



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ТАВАЛЛУД



Эркин ВОХИДОВ

ВАТАН ҚАДРИ

Чашма қошида тиниқ сув
Қадрини билмас киши,
Сайр этиб гулшанда гулли
Кўзига илмас киши.

Вах, бу не ғафлатки, инсон –
Кўксидан тутмиш Ватан,
Ким Ватан ичра Ватаннинг
Шукрини қилмас киши.

Юрт недир, юрт доғи недир,
Юртдан айрилган билар,
Англагучи юрт фиқрин
Юртда топилмас киши.

Эй, ватандошим, эшит
Бобуру Фурқат ноласин,
Бесабаб андуҳ тигида
Бағрини тилмас киши.

Билма, фарзандим, Ватан
Ҳажрини, лек қадрини бил –
Ким, Ватан қадрини билмас,
Англа, комилмас киши.

(4-саҳифада ўқинг).

СИЁСАТ



САММИТИГА ТАКЛИФ

АҚШ президенти Дональд Трампнинг Марказий Осиё локомотивига айланаётган Ўзбекистон Президентининг 2026 йил Флорида штати Майами шаҳрида бўлиб ўтадиган Катта йигирматалик (G20) саммитига таклиф қилиши мамлакатимиз учун халқаро муносабатлар тарихидаги муҳим воқеадир. Жаҳонда иқтисодиётнинг 80 фоиздан ортиғини, савдонинг 75 фоизини ва аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этувчи давлатларни бирлаштирган G20 саммитига таклифнома ҳар қандай мамлакат учун юксак эътироф саналиб, кенг имкониятлар эшигини очади.

платформаларга яқинлаштириш орқали минтақадаги мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади. АҚШ учун Ўзбекистон нафақат Афғонистон масаласида, балки янги логистика йўлақлари (масалан, Транскаспий йўлағи) яратишда муҳим шерикдир. G20 доирасидаги мулоқотлар Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳалардаги иштирокини халқаро миқёсда легитимлаштиради.

Бу таклиф Тошкентга дунёнинг энг йирик иқтисодиётлари билан тенг ҳуқуқли мулоқот қилиш, миллий манфаатларини илгари суриш ва глобал инвестицияларни жалб қилиш учун ноёб имконият беради. АҚШнинг бу борадаги ташаббуси эса Ўзбекистоннинг глобал миқёсдаги "муҳим давлат" (key state) мақомига кўтарилаётганидан далолат беради. Бу жараён Ўзбекистон

учун ҳам иқтисодий дивидендлар, ҳам геосиёсий хавфсизлик кафолатларини ваъда қилади.

Дональд Трампнинг баёнотида тинчликка эришиш ва мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидлангани, шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг аъло даражада эканлиги қайд этилгани, таклифнинг чуқур сиёсий ва иқтисодий заминга эга эканини англатади. Ўзбекистон учун бу таклиф бир неча жиҳатдан беқиёс аҳамиятга эга.

Биринчидан, бу халқаро эътироф ва нуфузнинг ортиши демакдир. G20 саммити нафақат дунёнинг энг йирик иқтисодиётлари етакчилари, балки меҳмон давлатлар учун ҳам глобал иқтисодий ва сиёсий кун тартибини шакллантиришда қатнашиш имкони, ноёб платформадир. Саммитда иштирок этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини кескин оширади, унинг "Янги Ўзбекистон" шиори остида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларининг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини билдиради.

(Давоми 2-саҳифада).



Геосиёсий жиҳатдан бу майдон "Катта еттилик" (G7) ва ривожланаётган йирик давлатлар (БРИКС) ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Бу ерда дунёнинг турли қутблари ўртасидаги мулоқот учун энг қўлай платформа мавжуд. Ўзбекистон минтақанинг географик ва сиёсий юрагидир. Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларининг драйвери сифатида Ўзбекистоннинг овози минтақавий барқарорлик учун муҳим. АҚШ Ўзбекистонни G20 каби

ФАКТ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугун – 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома йўллаши кутилмоқда.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.
- ✓ Ўзбекистонда аёллар ўртасида илк марта каратэ WKF бўйича жаҳон чемпиони бўлган Гулшан Алимардонова Президент совғаси – BYD SONG PLUS DM-i UzPride автомобили билан тақдирланди.
- ✓ Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Дилафрўз Собирова дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири – Ҳарвард университетининг "Integrative Biology" йўналишига тўлиқ грант асосида қабул қилинди.

ШУ СОНДА:

ДОЛҒАЛИ АСР ҲАҚИДА ҒАРОЙИБ АСАР

(3-саҳифада ўқинг).

МИЛЛАТ ФИДОЙЛАРИ



ҚАЛАМНИНГ ҚУДРАТИ

Моҳир жамоат арбоби, тарихчи, атоқли педагог ва таржимон Саид Ризо Ализода серқирра фаолияти, маърифатпарварлик руҳи ва ўттири қалами орқали Самарқанд жадид матбуоти ривожига, халқ онги ва тафаккури уйғонишига салмоқли ҳисса қўшган зиёли сифатида тарихда ўчмас из қолдирди.

(Давоми 7-саҳифада).

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

ТАЪЛИМ ВА ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги таҳликали замонда барқарор ривожланиш ва жаҳон майдонида рақобатдошликни таъминлашнинг асосий шarti – таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ. Зеро, ташқи таҳдидлар қанчалик кучли бўлмасин, ҳар бир мамлакат учун энг катта хавф – ички заифлик. Жаҳолат, мутаассиблик, лоқайдлик, мафкуравий бўшлиқ, қадриятлар инқирози, ижтимоий адолатсизлик – буларнинг барчаси ички таҳдидлар бўлиб, улар жамиятни ичдан емириши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши курашнинг самарали, таъсирчан воситаси – маърифат ҳисобланади.



жисмоний ва руҳий соғломлигига жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Бу масалада шунчаки декларатив баёнотлар билан чекланиб қолмасдан, аниқ режаларни амалга ошириш талаб этилади. Зеро, таълим – мамлакатнинг стратегик соҳаси, келажак тараққиётининг кафолати.

Бугунги шароитда таълим тизими ёшларда мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш вазифасини ҳам бажариши лозим.

(Давоми 5-саҳифада).

ЖАРАЁН

WELCOME TO BUKHARA!

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Бухоронинг кўҳна ва боқий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атиқалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, беқиёс анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихшунос ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган", дея таъкидлаб, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича муҳим таклиф ва ташаббусларни билдирган эди.



Дарҳақиқат, асрлар давомида дунёдаги кўҳна илм-маърифат марказларидан бўлиб келган Бухородаги тарихий муҳитни асраб-авайлаш, худудни ички ва ташқи туризм марказларидан бирига айлантиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Бу борадаги янги ислохотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 3 октябрь куни мамлакатимизда туризм-

ни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича ўтказилган таҳлилий йиғилишда белгилаб берилган эди.

(Давоми 2-саҳифада).



WELCOME TO BUKHARA!

Бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 12 август куни Бухоро вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда мамлакатимизда туризм инфратузилмаси яхшиланиб, янги масканлар ташкил этилгани, нуфузли меҳмонхона брендлари юртимизга кириб келгани таъкидланиб, биргина Бухоро вилоятида йиллик сайёҳлар сони 1 миллион 700 минг нафарга етгани қайд этилди.

Вилоятга 2021 йилда 48 минг 900 нафар турист келган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 550 минг нафарга етгани ва 2023 йилда 1 миллион 387 минг нафар хорижий сайёҳ ташириш буюргани бу натижаларга босқичма-босқич эришилаётганини кўрсатади.

Шу ўринда яна бир муҳим маълумот: авваллари Бухорога келаётган сайёҳларнинг катта қисмини МДХ фуқаролари ташкил қилган бўлса, бугун қамров географияси кенгайиб, Европа ва Америка қитъасидан келувчилар сони ошиб бормоқда. Бу бевосита мамлакатимиз нуфузининг жаҳон сиёсий доирасида кўтарилди бораётгани, дунё халқларининг хабардорлик кўрсаткичи ошаётгани билан боғлиқ.

Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада юксалтириш, сайёҳлик йўналишларини кўпайтириш, янги меҳмонхона ва меҳмон уйлари ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис хизматларини такомиллаштиришда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам ўрни катта бўлмоқда.

– Ҳар йилгига нисбатан ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳлар сони қарийб 2 бараварга ошганини кўриш мумкин, – дейди Бухоро вилояти туризм бошқармаси ўринбосари Бобир Тўхсанов. – Буларнинг барчаси Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан нафақат Бухоро, юртимиз миқёсида туризм ривожига учун муносиб шароитлар яратилаётгани, сайёҳлар учун инфратузилма объектлари, меҳмонхоналар, кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланиб бораётгани самарасидир.

Ҳар бир соҳанинг ўз сир-асрорлари бўлгани каби туризм йўналишида ҳам ўзига хос жиҳатлар талайгина. Масалан, сайёҳларнинг мамлакатимизда қанча муддат бўлиш даври жуда муҳим. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда маҳаллий меҳмонларнинг қадим шаҳарда бўлиш муддатини узайтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун тизимли ишларни амалга ошириш, хусусан, уларга хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражага кўтариш зарур. Бу борада тармоқ фаолиятига бевосита дахлдор вилоят туризм бошқармаси, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, “Хунарманд” уюшмаси вилоят ҳудудий бўлинимаси каби ташкилот ва идоралар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган.

Шунингдек, Бухоронинг шонли тарихи ҳақида батафсил ва тўғри маълумот бера оладиган мутахассислар ва гидлар тайёрлаш зарурати инobatта олиниб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда зиёрат туризми оқими кўп бўлган давлатлар учун илмий асосланган ёндашувлар ишлаб чиқилаётгани аҳамиятлидир.

– Сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири – бу, гастрономик туризмдир, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари Ботиржон Шаҳриёров. – Бу йўналишда Бухоро таърибаси асосида шарқона кўринишда таъмирланган 50 та ресторон ва

емакхоналар ташкил этишга киришилди. Бу шохобчалар 500 тага яқин янги иш ўрнини яратиш имконини беради.

Шу кунгача ҳудудда 54 та очик тамадди айвонлари ташкил этилган. Бу каби ташаббуслар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини бериши, шубҳасиз, Маълумотларга кўра, биргина шу лойиҳа доирасида 1 минг 350 та янги иш ўрни яратилиб, меҳмонларга юқори даражада гастрономик хизмат кўрсатиш бошланган.

Жорий йилнинг 5 сентябрь – 20 ноябрь кунлари Бухоро тарихий маркази ҳудудда Халқаро замонавий санъат биенналес ўтказилди. Бу Ўзбекистон ва жаҳон санъати дурдоналари, хунармандчилик ва гастрономиясини бирлаштирган йирик маданий дастурдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, халқаро архитектура ва санъатнинг илгор ютуқлари асосида ўтказилган мазкур анжуман Марказий Осиё мамлакатлари ичида илк мартаба Бухорода ташкил қилинди.

Мазкур тадбирнинг мезморий ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида БААнинг “WaiWai” архитектура ташкилоти жалб қилинди. Биеннале ЮНЕСКО ҳамда БАА, Франция, Буюк Британия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг етакчи санъат ташкилотлари вакилларидан иборат Халқаро кенгаш томонидан бошқарилди.

Дастур доирасида санъат асарлари намойиши, мусиқа кечалари, шеърят, кулинар перформанслар, хунармандлар мастер-класслари ва халқаро анжуманлар ўтказилди. Тарих, санъат, маданият муҳитини янги кўрадиғонлар учун тақдорланмас атмосфера барчани Бухорога чорлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг тегишли қарорига кўра, Бухоро тарихий маркази ҳудудидagi 9 та объектда реставрация, таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ҳамда уларнинг муҳофазаси ҳудудларида махсус тошли қопламалар ётқизиш ишлари олиб борилганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида ушбу тадбирга катта эътибор бериб, кўйидагиларни таъкидлагани бежиз эмас:

“Муқаддас Бухоро – бутун инсониятнинг мулки, асрлар давомида жаҳон цивилизациясига мансуб бўлган, аздалдан маданият, ижод ва илм-маърифат маркази сифатида танилган шаҳардир. Миллатлар ўртасида ҳаммиша очик мулоқот руҳи ҳукм сурувчи айни масканда маданий мероснинг кадрига етадиган, уни асраб-авайлайдиган зиёлилар йиғилгани – табиий воқелик.

Масжид гумбазларидан то ипак гиламларгача, зардулик намуналаридан то миниатюра санъатигача, ёғоч ўймакорлигидан то шашмақом мусиқасигача – бебаҳо хазинамиз кўпга авлодлар маҳорати ва иқтидорини ўзида мужассам этган. Бугун маданият биз учун нафақат гўзаллик ва илҳом манбаи, балки халқаро нуфузимизни оширадиган ҳамда мамлакатимизнинг глобал макондаги қиёфасини шакллантирадиган стратегик ресурс ҳамдир”.

Туризм салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар келгусида ҳам изчил давом этиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби кўҳна ва навиқрон Бухорога ҳам сайёҳларни жалб қилараведаи.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА

МУНОСАБАТ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, туризм ва экология кўмиталари номи остида алоҳида давлат органлари ташкил этилди. Галдаги вазифа мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ҳар икки соҳани уйғунликда ривожлантиришдир.

Маълумки, кейинги йилларда олиб борилаётган изчил сиёсат барча соҳаларда ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, 2025 йилнинг апрель ойидан бошлаб, Ўзбекистон тарихида илк бор хорижий сайёҳларнинг келиши ҳар ойда бир миллиондан ортиши кузатилади. Умуман, шу йили юртимиз туризм бўйича ўз рекордини ўрнатди ва мамлакат иқтисодида қарийб беш миллиард доллар даромад келтирди.

Албатта, сайёҳлар оқимининг ортиши ва туристик тақлифларнинг хилма-хиллашуви соҳанинг минтақавий доирадан чиқётганини кўрсатади. Бугунги кунга келиб, замонавий дизайнга эга меҳмонхоналар, саёҳат компаниялари, соҳа мутахассислари сони сезиларли даражада кўпайди. Бугун фақат диққатга сазовор шаҳарларимиз ёки тарихий масканларимиз эмас, экологик ва гастрономик туризмга ҳам халқаро қизиқиш орта бошлади.

– 2025 йилнинг январь – ноябрь ойларида туризм соҳасида кенг қўламли барқарор ўсиш суръатлари қайд этилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризм кўмитаси Илгма ахборот-таҳлил, статистика, стратегик режалаштириш ва методология бошқармаси бошлиғи Ойбек Ҳақимов. – Ўтаётган йилнинг ўн бир ойи давомида Ўзбекистонга 10,7 миллион нафар хорижий сайёҳ келди ва ўсиш суръати 114 фоизга етди.

Айниқса, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан Хитой Халқ Республикасидан 3,7, Австралиядан 1,5, Франция ва Канададан 1,3, АҚШ, Испания, Туркия, Польша, Нидерландия, Малайзия ва Ҳиндистон давлатларидан 1,2, Германия, Италия ва Жанубий Кореядан 1,1 баробарга кўп сайёҳ кутиб олди.

Бундан ташқари, ички туризм бўйича ҳам “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида аҳолининг ҳудудлардаги диққатга сазовор масканларга 23,7 миллион марта ташириш амалга оширилди.

Ҳудудларда 128 та меҳмонхона, 506 та оилавий меҳмон уйлари, 268 та хостел ва 52 та бошқа турдаги сайёҳларни жойлаштириш объектлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, туристлар учун хизмат кўрсатувчи 662 та янги туристик ташкилот ва турагентлар ишга тушиб, уларнинг умумий сони 4348 тага кўпайди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги сайёҳлик имижига жуда фаол тарғиб этилди. Айни пайтда, 4345 нафар гид-экскурсовод хизмат кўрсатаётган бўлса, уларнинг 375 нафари январь-ноябрь ойларининг ўзида тайёрланди.

Бундан ташқари, 2025 йил “Хитойда Ўзбекистон туризми йили” деб расман эълон қилиниши муносабати билан кўпга маданий ва реклама тадбирлари ўтказилди. Йигирмадан ошқ хорижий давлатда “Road show” тадбирлари ташкил этилди, 15 та хорижий йирик медиа платформаларига мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига оид контентлар жойлаштирилди. Инвестиция соҳасида 421 та лойиҳани амалга оширдик. Туризм йўналишида 6313 та янги иш ўрни яратилди.

Тошкентда JW Marriott, Swissôtel, Azimut брендлари остида меҳмонхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳудудларда ҳам янги туризм қишлоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида уч йирик туризм кластери ишга тушди.

Соҳа рақамлаштирилиб, миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилди. Унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам уланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилинади.



“Ахволнинг ёмон бўлганда, табиатга кулоқ тут. Дунёнинг сокинлиги миллионлаб кераксиз сўзлардан кўра яхшироқ таскин беради.

КОНФУЦИЙ



САММИТИГА ТАКЛИФ

Бошланиши 1-саҳифада.

Иккинчидан, бу таклиф Ўзбекистон учун глобал мулоқот имкониятидир. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари билан бир дастурхон атрофида ўтириб, бевосита мулоқот олиб бориш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро муаммоларга ўз муносабатини билдириш ва ҳамкорлик учун янги йўналишларни белгилаш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама муносабатларни ҳам мустақамлашга хизмат қилади.

Учинчидан, бу инвестициявий жозибадорликни ошириш фурсати дегани. G20 саммитида иштирок этиш Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустақамлашга ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширади. Дунёнинг энг йирик инвесторлари ва бизнес вакиллари эътиборини Ўзбекистонга қаратиш, мамлакатнинг очиклик сиёсати, иқтисодий салоҳияти ва инвестиция муҳитидаги ижобий ўзгаришларни намойиш этиш учун муҳим имконият яратилади.


Тўртинчидан, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг фаол ташаббускори сифатида Ўзбекистоннинг G20 га таклиф этилиши, унинг минтақадаги етакчилик позициясини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Бу минтақавий лойиҳалар ва ташаббусларга халқаро эътиборни жалб қилиш, шунингдек, Марказий Осиёнинг глобал жараёнлардаги ўрнини оширишга хизмат қилади.

Жамолиддин БАДАЛОВ



МУТОЛАДАН СЎНГ



ДОЛҒАЛИ АСР ҲАҚИДА ҒАРОЙИЪ АСАР

“Ялдо кечаси” тарихий романи хусусида

ҲАВАС ВА ЖАСОРАТ

21 декабрь энг узун тун кузатиладиган сана. Жорий йилда ушбу кун адабиёт тақвимида ҳам узоқ кутилган асарнинг тавааллуди ўлароқ қайд этилди. Иккисини бирлаштириб турадиган жиҳат номи ва рамзидир – Ялдо кечаси. Шу кун яшанба бўлса ҳам, ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетганига қарамай, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фондининг янги мажлислар толлори миллатимиз ойдинлари билан гавжум бўлди. Боиси, аввало, “Ўткан кунлар”га илова” тарзида тақдим этилган “Ялдо кечаси” тарихий рўмонининг муаллифи сир туптилгани, бундай муҳташам асарни Қодирий номидан, Қодирий бўлиб ким ёзиши мумкинлиги кўпчилигининг қизиқишига сабаб бўлди. Қолаверса, сўз ва китоб шайдолари кўпдан бери бундай машваратлари соғинган, айни тақдирот эса, устозлар таъбири билан айтганда, “ойбеконга шаън давра эди”.

Анжуман учун танланган манзил ҳам чуқур рамзий маънога эга. Шаҳидлар хотираси майдони ҳамда Қатагон қурбонлари давлат музейининг маҳзун, сокин ва айни вақтда улғувор руҳи тақдирот кайфиятига ҳам бевоусита таъсир қилди. Умуман, ушбу рўмон ҳам, тақдирот ҳам рамзларга бой бўлди.

Анжуман юксак ҳаяжон ва орзиқиб билан бошланди. Даврани таниқли навоийшунос Олимжон Давлатов олиб борди. Янги асар ҳақида Шухрат Сирожиiddинов, Шухрат Ризаев, Сирожиiddин Сайид, Нурбой Жаббор, Баҳодир Карим, Хондамир Қодирий маъруза қилди. Зебо Мирзо асар моҳиятига теран киришга имкон берувчи оташин шеърини тақдим қилди.

Кутулган дақиқалар келди. Тақдирот якунида сўз, китобда қайд этилганидек, “тарихий ҳужжатлар асосидаги бадиий тўқима муаллифи” Хайриiddин Султонга берилди. У киши китоб муқовасига бежиз муаллиф исм-шарифи битилмаганига изоҳ бера туриб, шундай деди: “Бу китоб аслида бундан юз-юз эллик йиллар муқаддам ёзилган эди. Уни миллатнинг виждони пок, иймонни бутун фарзандлари аждаҳо қомида туриб, юрак қони билан битиб кетган эдилар. ...Нихоят, минглаб манбалар қатида тариқдек сочилиб ётган, даврлар шамолида тўзғий бошлаган ана шу улғу китоб варақларини зеҳният кўзгусидан ўтказиб, уларни бир муқова остида мужжасам этиш фикри, аниқроғи, эҳтиёжи пайдо бўлди. Тақдир тақозоси билан бу юмушни адо этиш камини ходиминииз зиммасига тушди.

...Ўзим учун бир умр маънавий пир деб билганим Абдулла Қодирий ҳазратларининг таъбири билан айтганда, “ҳавасимда жасорат ҳис этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим”.

Ушбу ҳавас ва журъат самараси ҳақида рўмонга масъул му-

ҳаррирлик қилган Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг фикр-мулоҳазаларини газетамиз орқали Сиз, азизларга етказишга қарор қилдик.

Газета саҳифаланиш жараёнида хушхабар олдик: Иброҳим Ғафуров Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот танловининг “Хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига таржима” йўналишида Фёдор Достоевскийнинг “Ака-ука Карамозовлар” романи таржимаси учун тақдирланибди.

Иш жараёнида устозга кўнғироқ қилиб, боғландик: – Президентимиз 2024 йил миёнасида “Бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”ги Қарорни имзолаганларида кўзимга ёш келганди. Чунки сўнги вақтларда таржима соҳаси бироз оқсаятган бор эди. Қолаверса, таржимачилик тор соҳа, бунинг машаққатини мен яхши билман. Давлатимиз раҳбари адабиётга катта эътибор берар экан, ушбу соҳани ҳам бефарқ қолдирмаганлари кишига куч-қувват ва кайфият бағишлайди. Айниқса, Тоҳир Қаҳҳор, Абдулла Шер каби йирик таржимонларнинг тақдирланиши, улар сафида ёшларга ўрин берилгани авлодлар робитасини мустақамлайди, янги авлодга бугунги ифодада айтганда мотивация беради. Энди бу мукофот лойиҳасининг чуқур ўйланганини қарангки, нафақат чет тиллардан ўзбекчага, балки ўзбек тилидан хориж тилларига қилинган таржима муаллифлари ҳам тақдирланяпти. Бу бевоусита ўзбек адабиёти ва жаҳон ўқувчилари ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади. Мукофот жамғармаси ҳам жуда ҳавас қиларли даражада белгилаб қўйилган. Маънавий ва моддий рағбат келгусида таржимачиликка қизиқиш ортишига, таржималарнинг сифати кўтарилишига сабаб бўлади. Бу ҳаяжон фақат тақдирланганимиз учун эмас, шу соҳага берилган эътибор маҳсулидир. Қолаверса, улғу аждодимиз Огаҳий ҳазратнинг ҳам руҳлари шод бўлиб, нурли сиймоси янги авлод таржимонларига файз бағишлаб туради.

Самимиятга йўғрилган изҳорни тинглаб, биз ҳам таъсирландик. Санъатимиз арбобини китобхонлар, адабиётсеварлар, устоздан бевоусита ва билвосита сабоқ олган шогирдлар, муштарийларимиз ҳамда таҳририятимиз номидан муборакбод этдик.

Сергайрат устозимизга соғлиқ-саломатлик тилаган ҳолда янги мақолаларини чоп этишдан бахтиёрмиз.

ТАҲРИРИЯТ

лантиради. Очқандан-очқиб ёзадиган бўлсак, у энди Отабекнинг зурриёдлари – Ёдгорбек ва унинг икки мард фарзанди тақдирини бадиий воситалар билан ёритиш ва ифода этишга бел боғлайди.

Азиз ўқувчиларимиз яхши биладиларки, “Ўткан кунлар” халқимизнинг энг сеvimли романи, унинг қаҳрамонлари эл-юрт қалбининг тўридан жой олган, бир асрдан ортиқ вақт мобайнида янги-янги авлодларни сўнмас бир маънавий руҳ билан тарбиялаб келади. Романига қараган киши худдики ойинига қарагандай ўз қиёфасини кўради. Ўзини буюк маданий тарихга эга бўлган халқ каби ҳис қилади. Маънолар ўқийди, келажакга умид ва ишонч билан боқади.

Замонлар ёзурибди, Юсуфбек ҳожи, Отабек ва Кумуш зурриёдларининг тақдирлари қандай кечди? Бу авлодлар мустамлакачилик голи бўлган дунёда – урушлар, очарчиликлар, айбиз кишилар устидан авж оладиган тазийқ ва зўравонлик, мисли кўрилмаган ҳақсизликлар, абгорлик, қашшоқликлар ёпирилган ХХ асрда қай ҳолларга тушадилар? Чумолидек увол бўлиб кетадиларми ё ақл бовар қилмас жанг майдонларида ўз инсонлик эрклари, шаън-шавкатларини ҳимоя қилиб чиқадиларми, адолатга эришадиларми?


Хайриiddин Султон Ёдгорбек, унинг фарзандлари – Озодбек ва Одилбек тимсолида эркин инсон қадрини, ҳақ-ҳуқуқларини, эл-юрт озодлиги йўлида қандай оташин курашчига, ортага қайтмас маърифатчига айланганликларини тадрижма-тадриж, эволюцион ижодкорликда тасвирлаб, ҳикоя қилиб беради. Уларга Қодирий ва хурриятпарвар жадид намояндларнинг издошлари, уларнинг курашларининг давом эттирувчи шахслар, деб қарайди. Ўқувчи учун қоронғи бўлиб келаятган вақт ҳамда маконларни тафаккур ва бадиият ёғдуси билан ёритади.

Ёдгорбек аждодларининг олижаноб интилишларини, халқ озодлиги, адолат ва маърифат жаҳасидаги улғу сазъ-ҳаракатларини бутун жисму жониди туяди, газета чиқаради, жаҳолат ғовлаб кетган бир муҳитда ўғил ва қиз болалар учун мактаб очади. Ҳар бир қадамида эл-юрт учун қайғуради, жонини хурлик учун тикади, беқиёс матонатли ва мард курашчи бўлиб майдонга чиқади. Ўғиллари Озодбек ва Одилбек ундан улғи ва ўрناق оладилар. Уларда юртпарварлик, элсеварлик фазилати мужжасам ва қатъий бир тус олади.

Ёдгорбек Юсуфбек ҳождидан қолган мол-мулкларни сотиб, пулини “Нажот” деб номланган мактаб қуриш, миллий жариди чиқаришга сарф қилади. Ва мана шундай эзгу фаолияти учун мустабид тузум томонидан Сибирга бадарга қилиниб, оғир ўқубатлар ичида ҳалок бўлади. Фарзандлари ҳам босқинчилар зулмига қарши омонсиз жангчига айланадилар. Уларнинг тақдирлари ҳам қонли фожиалар ичида тугайди. Озодбек ва Одилбек шўро истибодиди қарши ҳаёт-мамонт жангларида азиз жонларини фидо этадилар.

Қизил ва оқ террор замонлари ёзувчининг ўткир нигоҳидан бирма-бир ўтади, фожиали, мудуш тафсилотлар чархнинг қора куюнлари каби айланади. Ҳар қадамда талафот, ҳар нафасда офат, зулму зулмат ўз ваҳший ҳукмида собит. Ўзини “тарихий ҳужжатлар асосидаги бадиий тўқима муаллифи” деб атаган ёзувчи Хайриiddин Султон алғов-далғов замон пўрталларини синчиқлаб кузатади, мураккаб воқеликни назаридан қочирмай, чуқур бадиий таҳлил қилиб боради.

Ёдгорбек, Озодбек ва Одилбек ўз курашларида Исмоил Ғаспалар ва Нусратхон домла каби улғу маърифатпарвар зотларга, жонкуяр, фидокор, эл-улус ишига садоқатли олижаноб муаллимларга, ношир ва муҳар-



Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

рирларга, илм ва дин аҳлларига суянадилар. Бу қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлларида Зумрад биби, Ойниса, Суйима, Зайнаб ва Ризвон сингари олижаноб, вафодор аёллар илҳомчи ва мададор бўлиб турадилар. Уларнинг соф ўзбекона образлари гоёт суюкли ва жозибадордир.

Романда ёвуз, маккор ва мунофиқ кучларга қарши ажойиб эл фарзандлари, имон-этиқодли кишилар фаол ҳаракатда бўлади, уларнинг мафтункор сиймолари ўқувчи қалбини забт этади, муҳаббатини қозонади.

Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и руҳи ва услубида ёзилган бу роман мумтоз асаримизнинг бадиий тили, тасвир воситаларини янги йўналишда давом эттиради. Ёзувчи ўзининг барча интилишлари, иланишлари, ижодий хужайралари билан Қодирий кашфиётларига ҳамоҳанглик яратади. Ҳамоҳанглик тақдид эмас, асло. Балки Қодирий тирик бўлса, қўлаши эҳтимолдан узоқ бўлмаган янги ёзув усули ва бадиий мантқиқидир. Шуларнинг ҳаммаси “Ялдо кечаси”ни жуда ўқишли, ҳар жиҳатдан янги замон китобхони учун қизиқарли қилади ва ўзига оҳанрабодек тортади.

Мен ўтган йил мобайнида асар тўғрисида муаллиф билан кўп бор ижодий мулоқот қилганим ҳамда “Хауваг–25” нашриёти илтимосига кўра, ушбу китобнинг масъул муҳаррири сифатида унинг юзага чиқишига камтарона ҳисса қўшганимдан бахтиёрман.

“Ялдо кечаси”ни янги замон ўзбек адабиётида тамомила кашфиёт, деса арзигуликдир. Хайриiddин Султоннинг ушбу адабий мистификацияси тарихий, инсоний, замоний ҳақиқатларни янгича очгани, уларга кучли ургу бергани билан эътиборга сазовор.

Бу гоёт салмоқли асар долғали асрларда халқимиз бошига тушган мислсиз ижтимоий зулм, миллий қашшоқлик, ожизлик туфайли туғилган беҳад аянчли оғриқлар, дард-алам, армонларимиздан ниҳоят қутулганимиз, қутулаётганимизни аналатади. Бундай ғамбода оғриқлар юз йилларча давом этар экан, фожиали томони шундаки, умуммиқёсда халқнинг ўзига бўлган ишончини барбод этиши, жасоратини заҳарлаши, гайратини маҳв этиши мумкин. Бургутлардан чумчуқлар, арслонлардан манфур шоқоллар урчиши мумкин.

“Ўткан кунлар” ва унинг мантқиқий давоми – кураш достони бўлган “Ялдо кечаси” ҳар қандай оғир шароитда ҳам манкуртлашмаган шахслар учун ҳақиқий тозарий уммони вазифасини бажаради. Буни қадимгилар “катарис” дейишган. Шекспир трагедиялари жамики инглизлар учун ана шундай катта миқёсдаги катарис бўлган, жамиятнинг тазолаб, улусни жаҳоншумул миллатга айлантирган.

“Ялдо кечаси”даги бош қаҳрамонлар элнинг эркарпарвар вакиллари сифатида, миллат ойдинлари сифатида тозарий океанига тушадилар. “Миллат вакили” деган озод сўз, озод тушунча, озод туйғули инсон пайдо бўлади. Бу аср романида миллат мана шундай қаҳрамон яратишга қодир экани тасвирланади. Унда катта даврлар қамралган. Барча ижтимоий салмоқли ҳодисалар аксини топган. Ёдгорбек, Озодбек, Одилбек, Нусратхон тўра, Мақсуд понсад, Хайдар Бурхонлар улғу Қодирий орзусидаги буюк ва матонатли курашчилардир.

Асарни ҳаяжонлар ичра ўқиб, қалбимда ҳосил бўлган таассуротларнинг бир шингили ана шу.

Табиат – ажиб дунё. Ялдо кечалари шундай улғу самовий ҳодисалар юз беради.

21.12.2025

Тўрт юзу етмиш икки саҳифадан иборат бу кутулмаган асар қўлёзмасини 2024 йилнинг илк ҳафтасида ўқиб чиқишга муяссар бўлдим. Кўп китобларга ошно-дўст бўлган эдим, лекин бу гал дастлабки саҳифаларданок ҳайратим зиёда бўлди. Унинг “Ялдо кечаси” деб аталishi ҳам, тагига “Абдулла Қодирий қаламига мансуб”, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китоби деб тахмин қилинаётган қўлёзма” деб изоҳлангани ҳам, “Маҳфий” деб аталган хабар топдик. Мазкур Сўзбошида ёзилишича, мустақиллик йилларида тузилган, ушбу тоқат қилиб бўлмайдиган зўравонлик ва қароқчиларга хос тинтув тарихини ўрганган махсус комиссия бу асарни собиқ Марказнинг маҳфий ҳужжатҳоқларидан бирида, Қодирийнинг эмас, балки уша замонлар сиёсий арбобларидан бўлмиш Қурбон Берегиннинг “жиноят иши” ичидан топгани баён этилади.

Қўлёзма қандай қилиб бу ҳужжатлар орасига тушиб қолгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Эҳтимол, Берегинга ўқиб, баҳо бериш учун топширилгандир? Қўлёзманинг Қодирийга мансуб асар эканлиги аниқ бўлса ҳам, лекин унга муаллиф номи қўйилмаган экан. Шундан “тахмин қилинаётган” деган ибора туғилган.

“Ялдо кечаси” матнида Абдулла Қодирийга нисбат берилган “Ёзғучидан” деб номланган дебоча сўз ҳам келтирилган. Ва, унда адиб миллионлаган илҳосмандларнинг ўтинч ва илтижоларини ҳисобга олиб, “Ўткан кунлар”нинг иккинчи китобини ёзишга қарор берганини маълум қилади.

Таъкидлаш жоизки, бу гаплар “Ялдо кечаси”нинг мен бундан қарийб бир йил аввал ўқиган илк нусхасида битилган эди. Шундан сўнг ўтган вақт давомида мана шу Сўзбошининг бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган учта варианты яратилганига, роман матни қандай сайқал топиб борганига гувоҳ бўлдим.

Шундай муқаддималардан кейин романнинг Биринчи бўлими келади, у “Пири сиддик. Икки ғариб” деб аталади. Дастлабки жумла “Ҳижрий 1268 йил, саратон” деб бошланаётганининг ўзиёқ дарҳол ўқувчиларга “Ўткан кунлар”даги “1264-инчи ҳижрия, давл ойининг ўн еттинчиси” деган жумлани эслатади. Ўқувчи ҳар икки китоб ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини сезади. Бундай боғлиқлик ва унсият барча ҳолларда бадииятнинг ёзилган-ёзилмаган қонуниятлари ва талабларига кўра

гоётда муайян ва ўқувчини лол қолдирадиган даража ва санъаткорона комилликда яққол кўринади.

Албатта, муштарийларимиз юқоридаги қисқача тушунтириб бўлмайдиган сўзлардан суюкли адибимиз Хайриiddин Султон адабий мистификациядан фойдаланиб, янги асар битганини фаҳмлаб етгандирлар, деб ишонаман.

У “Ўткан кунлар”нинг Иккинчи китобини ёзиб тугатди. Бу китобни у буюк Қодирий номидан ёзди; Қодирий бўлиб ёзди; қаттол замон Қодирийнинг қўлини кишанлаб, унга ёзиш учун имкон бермаганлиги боис фозил издош ва увайс шогирд сифатида ёзди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фантастик бир орзуну рўёбга чиқарди.

Зукко китобхонларга аёнки, Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи адибнинг қисқачина “Ёзғучидан” деган сўзлари билан якун топган эди. Унда муаллиф Юсуфбек ҳождининг на-бираси Ёдгорбек ХХ асрнинг ўн тўққизинчи-ийгирманчи йилларида, очлик замонларида вафот қилгани, ундан икки ўғил фарзанд қолгани – уларнинг бири шўро ҳукуматида масъул ишчи, иккинчиси эса босмачилар орасида эканини маълум қилиб ўтган эди.

Хайриiddин Султон мумтоз адибимиз кели тўхтаган мана шу жойдан унинг табарруқ қаламини кўлга олишига жазм этади ва ўзида мислсиз бир азму қарор, жидду жаҳдни от-





АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

ЎЗБЕГИМНИНГ СЎЗ ЗАРГАРИ

Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов инсон қалбини, тили ва дилини теран билгичи бўлган улуг ижодкордир. Чин шоирлик – юксак мартаба, комиллик даражасига етишмак, демак. Унинг юксак шеърляти қалбларни завқлантиради, руҳни юксалтириб, тасавурларни равшан қилади. Бу шеърларда сурур ва дард, завқ ва изтироб, сафо ва жафо уйғунлашади.

Руҳи баланд, қалби тошқин, билими дарё инсоннинг инжа туйғулари акс этади бу шеърларда. Бу туйғуни, шеър кайфияти ва изтиробини англайдиган, донишманд эл орасидан “сўз дурлари”ни саралаб топган шоир шундай ифодалади:

*Эл – устозим, мен эса – толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.*

Кутилмаган лутф ва латифлик, туб ўзакдан инжа маъно чиқариш, ўзаро оҳангдош сўзлардан бетақдор сатрлар тузиш Эркин Воҳидов адабий меросининг етакчи фазилатларидан бири саналади.

*То тирикдириқ табиаат,
То кўёш сочгайки нур,
Уч эгиз бордир тушушча,
Уч бу сўз ёндир бўлур:
Моҳиру меҳру маҳорат,
Олиму илму амал,
Ошику ишқу машаққат,
Шоиру шеър ушуру.*

Бир ўзак масдардан бир неча сўзларнинг ясашиши флектив оилага мансуб тилларнинг бош хусусиятидир. Ўзбек тилининг лугат бойлиги таркибига кирган арабий сўзларда шундай ҳодиса кузатилади. Илм ва олим, ошиқ ва ишқ, шоир ва шеър битта ўзак ҳосилаларидир. Ўзбек адабий тилида уларнинг ўзаро яқинлигига кўп ҳам эътибор берилмайдиган. Сўзлар аро поэтик қаринага – бадий яқинликка, оҳанг-ритм ва ранга шоирлар диққат қаратади.

Шоирлар одамлар орасидан сўз излайди ва бу сўзларни тирилтиради. Эркин Воҳидов наздида: “Халқ тилининг тоза бўлишига юрагини очиб қўймаган ижодкорнинг кўлмакка айланиб қолиши табиий” дир.

Яна муҳим бир жиҳат шуки, шоирлар камалақдан – оламнинг турфа ранглари жилосидан завқ олади. Ранглар шоирларга илҳом беради. Шоирларгина “ранг сўзининг рангинлиги” ҳақида ёзади. Керак бўлса, савол ташлаб, сизни имтиҳон ҳам қилади: “Хўш, гули раънонинг ранги қандай?” – Бир томони қизил, бир томони сариқ. “Яна бир савол. Ёниб турган олов-

да нечта ранг бор?” – Ёниб турган оловда қизил, яшил сариқ ранглар уйғунлиги бор. Ошиқ оҳининг алангаси – “шуълаи охи” қизил, сариқ, яшил эканини шоиргина англаб етади.

Шу тобда буюқ Алишер Навоийнинг машҳур ғазалларидан бири ҳаёлингиздан ўтган бўлса, не ажаб:

*Хильъатин то айламыш
жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил,
сориг, яшил.*

Эркин Воҳидов “Сўз латофати” китобида ҳазрат Навоийнинг ушбу матласини зукко шеършунос сифатида шундай шарҳлайди: “Оҳим алангаси қизил, сариқ, яшил бўлиб ёнса, бунинг боиси жононим қизил, сариқ, яшил рангли либослар кийгандир”. “Ранг” – форсча, “лавн” (кўплиги “алвон”) – арабча, туркийда эса “тус” бўлади. “Навоий асарлари лугати”да “ранг” сўзининг бешта маъноси берилган. Мумтоз лугатларда “ранг” сўзининг ўттиз бир маъноси изоҳланган. Битта сўзни англайтиш учун шунча китобни фақатгина сўздан завқ топадиган, сўзга меҳру муҳаббатли заршунос, сўз заргаригина, Эркин Воҳидовдек фидойи, зукко сўзшуносгина варақлаб ўқийди. Шу боис, шоир ҳақли равишда миллий тил билимдонлари сафидан ўрин олади.

Эркин Воҳидовнинг баъзи шеърли мисралари қат-қатида шеърлята, шоирга, ижод психологиясига доир қарашларини назмий услубда баён қилади. Бу асарларда шоирнинг бирорта адабиётшунос олимдан кам бўлмаган билимга эга экани кўринади:

*Шеърнинг сўзи – тўрт сатр,
Тўрт аjoyиб – зўр сатр.
Шоир одам ўзини
Тўрт сатрда кўрсатур.*

Назарий китоблар, адабий-танқидий мақолаларда “лирик қахрамон” деган атамага дуч келамиз. Бу таъбир кимгадир тушунарли, кимдир англашга қийналади. Шоир уни айни сарлавҳали бир шеърда назмий йўсинда талқин қилиб айтади:

*Етар, нечун таъриф у тавсиф,
Биз иккимиз аслида бир жон.
Фақат олим мени муаллиф,
Сени атар лирик қахрамон.*

Муаммо шу зайлда шоирона лутф билан “ҳал қилинади”. Ҳолбуки, кўплаб бахс-мунозара объекти бўлган “муаллиф ва қахрамон” ҳовлисининг эшиги ҳали бу кунга доғур ёпиқ турибди.

Эркин Воҳидов шеърларига хос барча фазилатларни сўз билан баён қилиб бўлмайдиган. Шоир сўз санъаткори сифатида сўзларни уйнатади. Масалан, юракнинг юриб туриши, кўнгилнинг кўниб-кўнмаслиги ҳақида хаёлга келмайдиган тасвирларни топади:



*Қариганда ҳаловат керак,
Арзир мен ҳам тин олсам енгил.
Лекин бунга юрмайди юрак,
Кўнгул, десам кўнмайди кўнаил.*

Бу каби кичик бир шеърдаги сўзларнинг маъно кўчимлари ўқувчини завқлантиради.

Ўтган аср ўрталарида мумтоз аруз вази умрини ўтаб бўлган “анжом” сифатида музей экспонатлари қаторига қўшилишига бир баҳа қолди. Аслида, “аруз адабиётининг умуман, санъатнинг ҳамма турлари каби талант ва маҳорат, теран хаёл ва эҳтирос талаб қилади”. Бу ҳақиқат Эркин Воҳидовга илҳом берди, арузда ёзганлари мумтоз вазнга қайта жон бағишлади. Абдулла Орипов: “Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиг пайдо бўлди”, деб бежиз ёзмаган.

Шоирнинг “Ёшлик девони” билан аруз томирларида навқиронлик қони югурди. Шу орада шоир икки вазн ўртасидаги бахслар ҳақида “Аруз ва бармоқ” деган шеър ёзиб, улар орасидаги “можаро”ни баён этди. Ҳар ким ўзини мақтайди. Хўш, аслида ким зўр? Шоир ечимда айтади:

*Мен эсам
Ўтмишу келажак аро
Ўрта йўлда қолган бечорадурман.
Улар юрагимда
Қилса можаро,
Келиштирмоқ учун оворадурман.*

Шоир мумтоз анъана йўлидан чекинмади; бармоқда ҳам, арузда ҳам гўзал шеърлар, ғазаллар, мухаммасу дostonлар ёзди.

Аслида изоҳ ва шарҳларда баъзан шеърнинг таровати, файзи, таъсир қуввати, кутилмаган бадий қирралари, ҳатто ижодкорнинг ўзи ҳам ўйламаган


маъно қатламлари очилади. Бундай саодатга эришиш учун адабий танқидчининг маънавий-руҳий оламида юксак эстетик идеаллар жамланган бўлиши лозим. Шунда юраклар бир маромда дуқиллаб уради, шунда икки кардиограммада бир-бирига яқин тўлқинли чизиклар суварати пайдо бўлади. Чунки шоир ўзига қисматдош инсонга юрагини очади, аниқроғи, шоирнинг юрак дарди билан яшай бошлаган ўқувчигина унинг сирли дардини англайди. Бунда қисматлар уйғунлашиб, орадаги асрлар, йиллар масофаси йўқолади. Маънавий-руҳий мулоқот ҳар икки шахсни дилдош ва замондош инсонларга айлантиради.

Мустақиллик даврида ёзган шеърларидан бирида Эркин Воҳидов шундай ёзган эди:

*Умрим агар боғ бўлса, сиз
Боғбонисиз, элим,
Тўтдим, олинг, ўз боғингиз
Шарбат, гулбодир...
Ёшинг неча деб сўрмангиз,
Ёрону аҳли дил,
Эркин Ватан ёши менинг
Ёшим ҳисобидир.*

Эркин Воҳидов эл-юртга, Ватанга ўтқир сўзи, шеъри, овози – бутун вужуди билан хизмат қилди. Бундан кейин ҳам шоирнинг шеърлари башариятга, шеърят муҳиблари қалбига доимо завқ-шавқ бағишлаши, табиий. Дунё харитасида Ўзбекистондек беқиёс ўлка бор экан, унинг боқий умри асрлардан асрларга ўтиб борар экан, Эркин Воҳидовдек табаррук шоирлар руҳи ҳар доим хур Ватанга ҳамроҳ бўлади.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЙИЛ МУНОЖОТИ

Вақтнинг чопқирлигига ҳайратим тугамасдир,
Йилнинг утиши гўё қақнаган чакмоқ мисол.
Йил надир, умр ўзи аслида бир нафасдир,
Эшикдан кириб шу он дарчадан чиқмоқ мисол.

Беш юз йил яшар эмиш тоғ аҳли бир қабила,
Сабрни маслак билиб, қаноатни тоат деб.
Уй тикламас эмишлар биргина сабаб ила,
Шу озгина умрга ранж чекмоқ на ҳожат деб.

Бу-ку бир афсонадир, аслида аҳли олам
Одамдек яшаш истар шу беш кунлик дунёда.
Жаҳондан умид узмас умри ўтиб борса ҳам,
Ёши улғайган сари орзулари зиёда.

Болам деб ниҳол экар, набирам деб уй солар,
Мендан ҳам бирор ёдгор авлодимга қолсин, дер.
Дил тубида умрбод яшар ойдин хаёллар,
Ватаним камол топсин, миллатим юксалсин, дер.

Инсондек яшамоқнинг асли шудир маъноси,
Юрт севгиси бизларга юракдаги қондандир,
Бу муқаддас туйғуда ажодларнинг нидоси,
Ҳадис сўзи – Ватанга муҳаббат имондандир.

Имонимни бутун қил, юртимни нурафшон қил,
Пок, ҳалол йўлларингга бизни йўлла, Илоҳим.
Ватаним кемасини долгалардан омон қил,
Бу поёнсиз уммонда ўзинг қўлла, Илоҳим.

Юракларга меҳр сол, адоватдан қил йироқ,
Бу кунги заҳматларнинг оқибати қут бўлсин.
Эрка ташна элимнинг бахти бўлсин ярқирок,
Осмони ёруғ бўлсин, насибаси бут бўлсин.

1992 йил

МУЖДА

Маҳмудхўжа Бехбудий 1908 йили Самарқандда “Бехбудия” номли мутулаахона очади. Унда Ҳожи Муин, Саидхўмад Васлий Самарқандий ва Абдуқодир Шақурий сингари илгор қарашли маслақдошлар феолият олиб боради. Бу маскан халқ тафаккурини янгилаш, илм ва маърифат орқали жамиятни ўзгартириш йўлидаги яна бир муҳим қадам эди. Кутубхона фонди бугунги кун талабига кўра ҳам беназир эди, у ерда нодир ва янги китоблар, журналлар, газеталар, энциклопедиялар, лугатлар, хариталар жамланганди. Афсуски, зулм ва жаҳолат бандалари “Бехбудия”га чанг солди...

Не бахтки, “узилган бир киприк абад йўқолмас” экан, бугун маърифатпарвар бобомизнинг кутубхонаси қайта очилди. Фақат янги шаклда, замонга ҳамнафас ҳолатда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Mutolaa” иловаси ёш ижодкорлар ва ай-ти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Бу ташаббус мамлакатда электрон ва аудиокиноблар орқали китобхонликни замонавий форматда ривожлантириш, ёшлар ўртасида ўқишга бўлган қизиқишни ошириш, миллий ва жаҳон адабиёти дурноналарини кенг оммага тақдим этишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

“Mutolaa” мобил иловаси ҳозиргача 3.5 миллион мартадан зиёд юккаб олинган. Ўқилаётган китоблар сони эса 12 миллиондан ошди. Ёшлар ишлари агентлиги, “Халқ банки” ва Республика ёш ижодкорлар кенгаши ҳамкорлигида йўлга қўйилган “Mutolaa” лойиҳаси ўзбек тилидаги китобларни бир жойда тўплаб, ҳамма учун бепул ёки арзон нархларда фойдаланиш имконини беради.

БЕҲБУДИЙНИНГ ЯНГИ КУТУБХОНАСИ

Лойиҳа доирасида аудио ва электрон китоблардан ташқари, болалар адабиёти, ай-ти дастурлар, сунъий интеллект, иллюстрация, медиа, китоб-кино ҳамда таржима асарлари каби йўналишларда 150 нафарга яқин мутахассис фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, ўзбек адабиётининг сара намуналарини таржима қилиш ва жаҳон бўйлаб кенг тарғиб этиш мақсадида Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма”, Саъдулло Қуроновнинг “Галактикада бир кун” каби асарлари чет эллик моҳир таржимонларга топшириляпти.

Болалар адабиёти “Mutolaa”нинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа қошида ёш ижодкорлар мактаби ташкил этилган бўлиб, унда ҳаваскорлар томонидан “Илдиз” тўплами яратилди. Асосий мақсад, улуг аждодларимизнинг болалик сиймосини ёрқин ва таъсирли шаклда намоеён қилишдир. Ҳозирда тўпламдан ўн та расмий китоб жой олган. Яқин йилларда лойиҳа доирасида иллюстраторларни иш билан таъминлаш дастури йўлга қўйилиб, кўплаб ёш rassomларни қамраб олиш ва уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш режалаштирилган.

Кундалик ҳаётда фильм ва сериаллар анонсини кўришга ўрганиб қолганимиз, аммо китобнинг тизери қандай бўлади? Тиниб-тинчимаган одамлар янгича ва қизиқарли жанр – “Китоб-кино”ни яратишди. Унда муайян асар асосида ҳужжатли фильмлар тайёрланади. Ҳар йили ўзбек ҳамда жаҳон адабиётидаги энг яхши ҳикоялар, романлар асосида 10-15 та фильм олинади. Ҳозиргача “Кичкина шаҳзода”, “Чол ва денгиз”, “Унсин”, “Пункаре”, “Қўрқма” каби фильмлар яратилди ва улар



YouTube платформасига жойлаштирилди.

Шу кунга қадар мингдан ортиқ асар илк бор сифатли форматда овозлаштирилди. Бундай кўрсаткич ва натижадорлик ҳозиргача аудиокиноблар соҳасида кузатилмаган. Улар 30 дан ортиқ профессионал дубляж актёрлари, Ўзбекистон халқ артистлари томонидан энг замонавий студияларда яратилган.

Лойиҳанинг яна бир муҳим вазифаси – юртимизда ноширлик фаолиятини ривожлантириш, муаллифларнинг нуфузини ошириш ва ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда ишга туширилган “Mutolaa Premium” платформаси ноширлар ва муаллифларга ўз китобларини сотиш ҳамда даромад кўриш имкониятини тақдим этади. Айни вақтда етакчи нашриётлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузилган ва ушбу нашриётларнинг барча китоблари иловага жойланган.

Кўришга қарийб 30 минг фойдаланувчи “Mutolaa Premium” хизматидан харид тариқасида фойдаланиб келмоқда. Яқин йилларда 4 миллион китобхонни қамраб олиш ва фойдаланувчилар сонини 50 мингдан оширишни режалаштиряпмиз.

Лойиҳа адабий жараёни ривожлантириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маданий тадбирларни ҳам ташкил қилади. Хусусан, ҳар ойда бир марта ташкил этиладиган “Шеърят кечаси” ёшлар орасида оммалашиб, ёш ижодкорларни рағбатлантириб келмоқда.

Ҳозирги кунда 7 та овоз ёзиш студиясида 20 га яқин тажрибали актёр ва суҳандон

иштирокида бир ой давомида 500 соатдан ортиқ аудиокиноб тайёрланаяпти. Илова ҳам Android, ҳам iOS платформаларида ишлайди, бу эса унинг кенг аудитория учун ҳамда ҳар бир мобил қурилмада осон ва қулай фойдаланиш имконини таъминлайди.

2025 йил 22 декабрь ҳолатига кўра, иловада 1895 та аудиокиноб ва 2513 та электрон китоб мавжуд. Маълумотларга кўра, бир йил давомида Андижон, Тошкент ва Жиззах вилояти ёшлари “Mutolaa”дан энг кўп фойдаланган. Бу кўрсаткичлар “Mutolaa”нинг ёшларни китоб ўқишга рағбатлантиришдаги самарали ва замонавий платформа эканини тасдиқлайди.

Ҳар бир кичик ва улкан муваффақиятда аҳил-иноқ жамоамиз аъзолари – бош муҳаррир Саъдулло Қуронов, муҳаррир Жавлон Жовлиев, электрон китоблар бўлими бошлиғи Ориф Толиб, ай-ти жамоаси раҳбари Асилбек Халилов, лойиҳа менежери Хурлиман Жумамурадова, медиа жамоа раҳбари Жаҳурбек Анваров, аудиокиноблар бўлими бошлиғи Шохсанам Холбоева, график дизайнер Хусанжон Жўрабоев ҳамда видео оператор Юсуф Рустамовнинг ҳиссаси катта.

Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ҳар гал қўришганимизда: – Токи ўзбекистонлик болалар учун китоб ўқиш нафас олишдек заруратга айланмагунча биз меҳнат қилаверамиз. Бу иш бизнинг гарданнимизга тушган, бу – катта вазифа. Уни удралаш бизга масъулият ва шараф! – дейди. “Mutolaa” – Бехбудий асос солган маърифат мактабининг рақамли даврдаги давомидир. Демак, кўтлуг анъана янги шаклда давом этаёттир.

Сирожиддин ОЛИМОВ,
“Mutolaa” лойиҳаси раҳбари



ТАЪЛИМ ВА ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Миллатнинг нажот йўли, мустақилликни мустаҳкамлашнинг ишончли калити бўлган таълим тизимини ислоҳ қилиш маъмурий масала эмас, балки миллий хавфсизлик масаласи саналади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида сўнгги йилларда таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ўзининг кўлами ва моҳияти жиҳатидан тарихий аҳамиятга эга. “Ўзбекистон–2030” стратегиясида бу соҳа алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас. Тизимга ажратилаётган маблағлар кескин оширилиб, юзлаб мактаблар, янги турдаги замонавий масканлар бунёд этилмоқда.

Таълимнинг сифати фақат маблағ эмас, балки замон талаблари ва истиқболларини тўғри баҳолай олиш салоҳияти билан ҳам бевосита боғлиқ, албатта. Шу боис, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, юқори малакали педагогларни тайёрлаш, ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларимизни сифатли таълим билан таъминлаш борасида бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳозирданок илк самарасини бера бошлади.

Оила педагогикасининг соҳада ўрни қандай?

Оиланинг таълим-тарбия борасида беқис роль ўйнаши илмий асосланган ҳақиқатдир. Бола ҳаётининг илк йилларида оилада олган таассуротлари унинг келажакдаги шахсий ва ижтимоий муваффақиятларида пойдевор бўлади. Бироқ, афсуски, бугун бу масъулият кўпроқ мактабга юкланганга гувоҳ бўлялмиш. Таълим-тарбияда оила таъсири камайиб, маънавий-маърифий эҳтиёждан кўра моддий эҳтиёжнинг кучайиб бораётгани кузатишмоқда. Ота-она тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб, фарзандларининг маънавий ҳамда жисмоний тарбиясига етарли эътибор қаратмаслиги оддий ҳолга айланмоқда. Бу эса фарзандларнинг ахлоқий қарашлари, руҳий дунёси ва қадриятлар тизими шаклланишида жиддий бўлишларни юзага келтирмоқда.

“Биз пул тўлаймиз, демек, сиз тарбияни ҳам таъминлашингиз керак!” – бу сўзлар бугун ота-оналар, айниқса, хусусий мактабларга боласини берган оилалар томонидан янграётган даъводир. Фарзандини таълим муассасасига юбораётган ота-она гўё бола билан бирга унинг тарбияси учун жавобгарликни ҳам мактаб зиммасига юлаша интилиммоқда.

Айни пайтда айрим юртдошларимиз тирикчилик илнжида хорихда меҳнат қилаётгани сир эмас. Демак, уларнинг фарзандлари отасиз ёки онасиз, баъзан эса ота-онасиз ўлғаймоқда. Хорихда ишлаб, фарзанднинг илк қадамларини қўрмаган, илк сўзларини эшитмаган, мактабдаги ютуқларини кузатмаган ота-она нимани йўқотаётганини англамайдик? Бола тарбияси учун энг муҳим вақт – унинг ёнида бўлиш имконияти қўлдан чиқаяётганини тушунармикан? Ота-она ва фарзанд ўртасидаги маънавий боғлиқликни совға-салом ёки юбориладиган пул билан тўлдириб бўлмайди. Фарзанднинг моддий эҳтиёжлари қонгани билан унинг руҳий олами, қалби, онги ҳам бойиб қолмайди.

Мактаб – билим ўчоғи, оила – тарбия бешиги. Бу икки муҳим институт ўртасидаги ҳамкорлик, уйғунлик бузилса, келажак авлод тарбиясида оқсаш юзага келиши муқаррар. Шундай экан, келинг, аввало ўз оиламизни маънавият кўрғонига айлантирайлик. Фарзандларимиз тарбиясини бошқалар зиммасига юкламайлик.

Оила педагогикаси – фарзандларни камол топтириш, уларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш бўйича ота-оналар амалга оширадиган тарбия жараёнининг илмий асоси. Бугунги ахборот оқими, ёт маданий таъсирлар, турли мафзуравий хуружлар шароитида ёшлар онгини зарарли ғоялардан ҳимоя қилишда ушбу педагогика муҳим вазифани ўтайди. Фикримизча, Ўзбекистонда оила педаго-

гикасини ривожлантириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Аввало, бу йўналиш бўйича мукамал илмий база яратиш, миллий тарбия аънавалари, буюк алломаларимизнинг оила тарбиясига оид қарашларини тадқиқ этиш, тизимлаштириш ва замонавий амалиётга жорий этиш даркор. “Оила академиялари” тармоғини шакллантириб, ота-оналарнинг педагогик салоҳиятини ошириш керак. Шунингдек, маҳаллаларда нурунийлар иштирокида уч-рашувлар ўтказиш, ибратли оилалар тажрибасини оммалаштириш зарур.

Маҳалла – муҳим институт

Ҳозирги кунда маҳалла фақат аждодлардан қолган мерос эмас, балки давлат сиёсати даражасига кўтарилган институт ҳамдир. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда энг муҳим ижтимоий муаммоларнинг ечимини таъминловчи еттилик тизими ташкил этилди, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун етарли маблағлар ажратилди. Ўзингиз айтинг, қачон маҳаллаларда шунчалик кўп куч ва имконият мўжассам бўлган?

Бугун маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича таъсирчан ва амалий механизмларни ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айни вақтда, ёшларнинг қизиқиши, интилиши, дунёқараши ўзгарган шароитда, уларга фақат аънавий ёндашув билан таъсир ўтказиб бўлмайди. Замонавий ёшлар билан ишлашда инновацион усуллар, замонавий технологиялар ва янгица ёндашувлар талаб этилади. Биз фарзандларимизнинг тўғри тарбиясига манфаатдоримиз. Лекин бугунги тезкор, шиддатли, ахборот оқими ўта кучли бўлган даврда ҳамма ҳам фарзандига тўғри тарбия бера оладими? Афсуски... Шунинг учун ҳам маҳалла зарур. Халқимиз “Бир болага етти маҳалла ота-она” деб бежиз айтмаган. Бу масала бизнинг қонимизда, миллий педагогикамизнинг ўзагида бор.

Нотўлиқ оилаларда тарбия топаётган болаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ота-онанинг бирининг йўқлиги фарзандда турли психологик муаммоларни келтириб чиқариши, унинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай ҳолатларда маҳалла кўмакка келиши, бола тарбиясида йўл-йўриқ кўрсатиши, керак бўлса, амалий ёрдам бериши лозим.

Ёшлар учун спорт тўғрақлари, маданий тадбирлар, китобхоналик кечалари, уч-рашувлар ташкил қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмақлаш – маҳалланинг муҳим вазифаларидан бири. Оила муаммоларини ўрганувчи илмий-амалий марказлар ҳар бир вилоят ва туман кесимида нотўлиқ оилалар, уларнинг фарзандлари билан ишлаш бўйича илмий асосланган тақлиф-хулосалар бериши лозим. Қуруқ статистика эмас, амалий чора-тадбирлар керак.

Тасаввур қилинг: туманда юздан ортиқ нотўлиқ оила бор. Оила муаммоларини ўрганувчи марказ мутахассислари маҳалла мутасаддилари билан ҳамкорликда шу оилаларни бирма-бир ўрганса, уларнинг фарзандлари билан суҳбатлашса, психологик тестлар ўтказса, муаммоларни аниқласа, сўнг ҳар бир оила учун индивидуал дастур ишлаб чиқса – натижа бўладики? Албатта, бўлади. Бундан ташқари, марказ оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали таригот ишларини олиб бориши керак. Оила қадриятларини улуғлаш, ота-оналик масъулияти, оилавий муносабатлар маданиятини ошириш масалалари кенг аудиторияга етказилиши лозим.

Янгиланаётган боғчаларга янгица назар

Яқин-яқингача ҳам жамиятимизда мактабгача таълим ҳақида сўз кетганда, “боғча фақат овқат беради-да” қабилидаги енгил қараш мавжуд эди. Бугун-чи? Яқинда бир неча вилоят боғчаларида бўлди. Қаранг, тўрт-беш ёшли гўдаклар аллақачон ўқиш-ёзишни ўрганмоқда. Замонавий боғчаларда бир қанча хорихий тилларда содда жумлаларни гапирувчи, 100 тагача сўз ёдлаб олган болаларни кўриш мумкин. Бу

– Президентимизнинг мактабгача таълим йўналишидаги ислохотлари натижасидир. Мамлакатимиз демографик ҳолатидан келиб чиқиб, мактабгача таълимни кучайтириш, қамровини ошириш, сифатини юксалтириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Боғчаларнинг сони ортапти, таълим сифати тубдан ўзгаряпти. Соҳада ҳақиқий рақобат пайдо бўлиб, унинг илк натижалари аллақачон кўзга ташлана бошлади. Эндиликда боғчалар болалар салоҳиятини очадиган, интеллектуал қобилиятини ривожлантириб, дунёқарабини кенгайтирадиган, ижодий фикрлашга ўргатадиган таълим масканига айланмоқда. Кўплаб боғчаларда “ҳаётий кўникмалар”, “ақлий салоҳиятни ошириш”, “эмоционал интеллект”, “креатив фикрлаш” каби йўналишларда махсус дастурлар жорий этилган. Оддий ўйин орқали математика, физика, кимё, биологиянинг дастлабки тушунчалари сингдирилмоқда, инглиз тилида мулоқот қилиш кўникмалари шакллантирилмоқда.

Мактабгача таълим соҳасидаги рақобат педагогларнинг ҳам малакасини, билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Бугун тарбиячи-педагоглардан ҳар бир боланинг қобилияти, истеъдодини аниқлаш, уни ривожлантириш, турли йўналишларда машгулотлар ўтказиш талаб этилмоқда. Ишини яхши билмаган, замон билан ҳамқадам бўлмаган тарбиячилар эса ўзидан ўпкалаши керак.

Мактаб таълимидан нима кутамиз?

Кейинги йилларда мамлакатимизда мактаб таълимига эътибор кучайди, ўқитувчиларнинг қоқими, иш ҳақи оширилди, янги таълим муассасалари қурилди, мавжудлари замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди. Бироқ, барча саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳали мактаб таълим сифати борасида жиддий муаммолар мавжудлигини очиқ айтишимиз керак. Кўплаб битирувчиларнинг билим даражаси замон талабига жавоб бермаяпти. Буни сўнгги йилларда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларининг натижалари, иш бевувчиларнинг фикрлари ҳам тасдиқламоқда.

XX аср бошларида, миллатимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли даврида жадид маърифатпарварлари мактаб таълимини ўз фаолиятлари марказига қўйиб, миллат тараққиётининг бош омил сифатида айнан янги усулдаги замонавий мактаб таълимини кўрганлар ва шу олижаноб ғоя йўлида молларию жонларини ҳам фидо қилганлар. Улар учун мактаб таълим – бу шунчаки ёш авлодин саводхон қилиш эмас, балки мустамлакачилик асоратидан қутулиш, миллий ўйғониш, халқимизни жаҳолат чангалидан қутқаришнинг энг тўғри воситаси эди.

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деб ёзган эди Маҳмудхўжа Бехбудий. Фитрат “Нажот йўли маърифатдир”, деб таъкидлаган бўлса, Мунаввар қори фикрича, “Миллатни қутқармоқ учун маориф керак!” Бу сўзлар нақадар ҳаққоний экани бугунги юксак технологиялар асрида янада яққолроқ кўринмоқда.

Мактаб таълим – бутун таълим тизимининг пойдевори қанчалик бақувват бўлса, унинг устига қуриладиган иморат – кейинги босқич ва амалий ҳаёт ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Касбни бугун танланг, эртага кеч бўлмасин!

Биз мактаб ўқувчиларига қандай келажак ҳаёти етмоқдасиз? Ҳақиқий саволнинг маъзи шунда! Касбга йўналтириш масаласи бўйича қанча конференциялар ўтказамиз, қанча маъруза ва нутқлар сўзлаймиз, аммо аксар болаларимиз 11 йиллик таълимдан сўнг, ҳамон “Энди нима қиламан?” деган саволга жавоб излаб сарсон бўлади.

Мактабларда касбга йўналтириш – бу фақатгина тақлиф эмас, бу бугунги кунимизнинг талаби, эртанги кунимизнинг кафолати! Негаки, тўғри танланган касб – нафақат шахсий бахт, балки бутун жамият тараққиётининг калити. Ўз касбидан нолиб юрган мингларча одамларнинг умри бекор кетаётгани – фожиа эмасми?

Замонавий технологиялар шиддат билан ривожланаётган бир пайтда, кеча урф бўлган касблар бугун қадрсизланиб бормоқда. Болаларимизни бу шиддатли ўзгаришларга тайёрлашимизми? Афсуски, кўплаб мактабларимизда ҳамон касбга йўналтириш деганда, битирувчи синфдаги бир-икки соатлик маъруза тушунилади,

холо! Қани замон талабига жавоб берадиган касбга йўналтириш кабинетлари? Қани жаҳон тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тизимли ёндашувлар? Қани ишлаб чиқариш билан мактаб ўртасидаги амалий ҳамкорлик? Саволлар кўп, аммо амалий жавоблар оз!

Мактаб ўқувчилари орасида сўров ўтказилса, уларнинг аксарияти қайси касбни эгаллашини айтиб беролмайди. Уларнинг танлови кўпинча ота-она, атрофдагилар таъсири ёки тасодифий омиллар асосида шаклланади. Натижада эртага минглаб ёшларимиз ўзи қизиқмайдиган соҳада меҳнат қилишга мажбур бўлади. Бу кимга керак? Кўпчилик ёшлар тез даромад топиш мақсадида тижорат соҳасига кириб, олди-сотди билан машғул бўлишни афзал кўраётгани, илмий ишланмалар, ижодий лойиҳалар, инновацион ғоялар ва ақлий меҳнат маҳсули бўлган интеллектуал мулк яратиш фаолиятдан тобора узоқлашаётгани ачинарли ҳолат. Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби мамлакатларда касбга йўналтириш мактаб таълим давомида узуқлиқ олиб борилади. Ўқувчилар турли касбларни “табиб кўриш” имкониятига эга. Уларда амалиёт ўзаро боғлиқ учлик асосида қурилган: мактаб – оила – ишлаб чиқариш! Бизда-чи?

Хориж мактабларида касбга йўналтириш фан сифатида ўқитилади. Ўқувчиларга “портфолио” тутиш, резюме тайёрлаш, суҳбатлардан ўтиш кўникмалари ўргатилади. Бизда эса бу масала кўпинча “ҳамма нарсага улгурадиган” синф раҳбарлари зиммасига юкланади. Биз қачонгача фарзандларимизни “тасодифий” касблар сари йўналтирамиз? Қачонгача уларнинг бебаҳо қобилиятлари очилмай қолаверадими? Қачонгача “ҳамма ўқийдиган” касблар ортидан кўр-кўрона эргашаверамиз?

Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришни кечиктирмай бошлаш – бу, жамиятимизга, келажакимизга қилинган инвестиция.

Узуқлиқ таълим уйғун ҳам бўлсин

Таълим тизими мустаҳкам занжирнинг бўғинлари каби узвий бўлиши, бири иккинчисини давом эттириши, ривожлантириши керак. Аммо бу занжирда узилиш бўлса, бутун тизим унумли ишламайди. Бугунги кунда таълим тизимида жиддий муаммолардан бири – мактабгача таълим билан умумий ўрта таълим, ўрта таълим билан ўрта махсус ва олий таълим ўртасидаги узвийлик масаласидир.

Мактабгача таълимда болалар кўпроқ ўйин орқали, эркин муҳитда билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Бироқ бошланғич таълимга ўтганларида, уларга бирдангича расмий талаблар қўйилиб, ўқув юкларини кескин ортади. Тарбиячи билан ўқитувчи педагогик ёндашувлари ўртасидаги фарқ туфайли кўплаб болаларда мўшашув қийинчиликлари юзага келади.

Олий таълим муассасаларининг дарс хоналарига кириб, биринчи курс талабалари билан суҳбатлашсангиз, уларнинг кўпчилиги бир хил қийинчилик ҳақида гапирди: “Мактабда бошқача ўқитишган эди, бошқа нарсаларни талаб қилишарди, бу ерда талаблар мутлақо бошқача экан”. Бу юзак шикоят эмас, балки таълим тизимидаги жиддий узилишнинг кўзгудаги аниқ ифодасидир. Мактаб синфхонасидан университет аудиториясига ўтиш талаба учун шунчаки янги билим олиш босқичи эмас, балки ўзгача тафаккур тарзига ўрганишни талаб қиладиган мураккаб босқичдир. Нега шундай? Чунки мактабда ўқувчидан кўпроқ ўқитувчи айтганларини диққат билан эшитиш, дарслик ва қўлланмалардаги тайёр маълумотларни ёдлаш, айтиб бериш талаб қилинса, олий таълимда ўзгача ёндашув – мустақил изланиш кутилади.

Мактаб ўқитувчилари ҳам, ўрта махсус таълим муассасалари педагоглари ҳам, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳам ўз фанларининг режаларини бир-бирининг мустақил равишида, кўпинча ўзаро мулоқотсиз ишлаб чиқадилар. Натижада фанлар мазмунида ёки ортакча тақдорланишлар бўлади (бир хил мавзулар турли босқичларда деярли бир хил тарзда ўқитилади) ёки аксинча, бўшлиқлар пайдо бўлади (муҳим мавзулар бирор босқичда ўтилмай, ўрганилмай қолади). Таълим босқичларининг баҳолаш тизимидаги тафовутлар ҳам қийинчилик туғдиради.

Таълим маркетингдан эҳтиёжлар харитасига

Бугунги кунда таълим соҳасидаги энг катта ва жиддий муаммолардан бири –



Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

таълим маркетингининг етарли даражада йўлга қўйилмагани, яъни меҳнат бозори эҳтиёжларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда малакали кадрлар тайёрлаш масаласининг оқсаяётганидир. Бу муаммо таълим тизимининг иш бевувчилар эҳтиёжларига мослашувчанлиги пастлигининг далолат беради. Иқтисодиёт ва турли ҳудудлар кесимида кадрларга бўлган “Эҳтиёжлар харитаси” ҳануз тўлиқ ишлаб чиқирилиб, амалиётга жорий қилинмаган. Бундай хаританинг йўқлиги кадрлар тайёрлаш жараёнини режалаштиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозорида бир қатор жиддий номунособлик, дисбалансларни келтириб чиқармоқда ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қилмоқда.

Бу мураккаб ҳолат кўплаб ёшларнинг шахсий келажига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бир томондан, иқтисодиётнинг айрим соҳалари, хусусан, юқори технологиялар, муҳандислик, санаят ва қишлоқ ҳўжалиги каби йўналишларда малакали кадрлар етишмаслиги кузатилса, иккинчи томондан, ташвишли тенденция – “олий маълумотли ишсизлар” тоифасининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу парадоксал вазият давлат ва оилалар бюджетига катта зарар келтиради. Аспида, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини чуқур таҳлил қилиш асосида, ўша минтақада қайси кадрларга эҳтиёж борлигини аниқлаб олиш, шунга кўра талабгир мутахассисларни тайёрлаш тизимини замонавий илмий асосда йўлга қўйиш, мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги босқичда ҳудудлар бўйича кадрлар эҳтиёжини башоратлаш методологиясини такомиллаштириш, меҳнат бозорини мониторинг қилиш тизимини янада кучайтириш, иш бевувчилар билан таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш зарурати мавжуд.

Аксарият ёшлар замонавий тенденцияларга қараб, нисбатан оммавий касблар, масалан, юриспруденция, иқтисодиёт, тиббиёт каби соҳаларни танлашга мойил бўлиб, баъзида касб эгаллашдан кўра диплом олишни асосий мақсад қилиб қўядилар. Бу ҳолат таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги боғлиқлик етарли эмаслигидан дарак беради.

Шундай экан, таълим маркетингига – меҳнат бозори талабларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илмий асосда таҳлил қилиш ва шу асосда таълим йўналишларини келажак эҳтиёжларига мос равишда белгилашга алоҳида эътибор қаратиш вақти аллақачон келди. Бу масала кунни кечиктирмасдан ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан биридир. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг асл моҳияти ҳам шу – меҳнат бозорининг бугунги ва эртанги талабларига жавоб берадиган, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳақиқий ҳисса қўша оладиган малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, таълим тизими жамият эҳтиёжларидан бир қадам олдинда бўлиши керак, акс ҳолда, биз глобал рақобатда орта қоламиз. Бу эса таълим тизимида стратегик фикрлашни талаб қилади. Кадрлар тайёрлаш масаласига фақатгина “Бугун қайси касблар оммабоп ва қайси мутахассислар талаб қилинмоқда?” деган саволга эмас, балки “Эртага, беш ёки ўн йилдан сўнг қайси соҳалар ривожланади ва қандай мутахассислар керак бўлади?” деган муҳим саволга жавоб излаб ёндашиш зарур. Бу ёндашув таълим муассасаларимизга иқтисодиётнинг узоқ муддатли ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурларини такомиллаштириш, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш имконини беради.



“**Макотиб — тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур.**
Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ”



ЮРТ ҚАЙҒУСИ

МАДАНИЙ ИСЛОҲОТ ТАРИХИ

Таниқли маърифатпарвар Ҳожи Муиннинг "Маҳмуд Бехбудий ва рафиқларининг шахид бўлганликлари ва алар томонидан ёзилган васиятнома" ("Меҳнаткашлар товуши", 1921 йил 28 март) ҳамда "Маҳмудхўжа Бехбудий" ("Зарафшон", 1923 йил 25 март) каби мақолалари бехбудийшунослар ва жадидсеварлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мақолаларда ёзилишича, Маҳмудхўжа Самарқанд шаҳри яқинидаги Бахшита қишлоғида Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли оиласида туғилган. Отаси асли туркистонлик бўлиб, Ҳожа Аҳмад Яссавий авлодларидан, она томондан бобоси Ниёзхўжа асли хоразмлик бўлиб, XVIII аср охирида Самарқандга кўчиб келган. Маҳмудхўжа отаси вафотидан сўнг тоғаси Мулла Одилдан араб тили бўйича сабоқ олган. Шунингдек, қозихонада мирза бўлиб ишлаган Мулла Одил Яхшибой ўғли ва Самарқанд мадрасасида тоғаси Мулла Сиддиқдан таҳсил қўради, кейин Бухоро мадрасаларида ўқийди.

Бехбудий 1899-1900 йилларда тўнғич фарзанди вафотидан сўнг ҳаж зиёратини ўтаган, унга бухоролик маърифатчи Ҳожи Бақо йўлдош бўлган. У зиёратга Кавказ – Истанбул – Қоҳира орқали борганини "Қасди сафар" асарига ёзиб ўтган. Бехбудий Миср ва Истанбулда бир муддат яшайди. 1903-1904 йилларда Москва ва Петербургга боради. Сафардан сўнг ўзининг маслаҳати билан очилган Саидахмад Сиддиқий ва Абдуқодир Шаурийнинг жадид мактаблари учун дастур ва қўлланмалар ёзишга киришади. 1906 йил 23 августда Нижний Новгородда ўтказилган Россия мусулмонлари курултойида Туркистон делегациясининг раҳбари сифатида қатнашади ва мусулмон маданияти тўғрисида нутқ сўзлайди.

Сафардан қайтгач, Самарқандда "Бехбудия" кутубхонаси ва кироатхонасини ташкил қилади. 1913 йил 16 апрелдан "Самарқанд" газетасини чиқара бошлади, "Бехбудия" матбаасини ташкил этади. Газета ёпиб қўйилгач, "Ойна" журналин таъсис этиб, унинг бош му-

ҳаррири ва ношири сифатида фаолият юритади. 1914 йилнинг 9 майдан яна сафарга отланиб, Байрамали, Ашхобод, Красноводск каби туркман шаҳарларидан ўтади ва Каспий денгизи орқали Одессага келади, Истанбул, Адирна каби турк шаҳарларида бўлади. Сўнгра Куддус, Байрут, Хубрун, Дамашк, Қоҳира, Макка каби йирик шаҳарлардан ўтиб, яна Одесса орқали Европага қайтади. Сафар давомида кўрган-кечирганлари ва маърифий маслаҳатлари "Ойна" журналин давомли бериб борилади. Журнал иқтисодий танглик ва мустамлака маъмуриларининг қистови билан ёпилгач, Маҳмудхўжа Бехбудий Кобул қозихонасида муфтий вазифасида ишлади. Орадан бир йил ўтгач, "Зарафшон" ширкатини ташкил этади. Бу ширкатнинг йирик ишларидан бири "Хурият" газетасининг ташкил этилишидир. Газетага дастлаб 1917 йилнинг 15 апрелидан Мардонкул Муҳаммадзода муҳаррирлик қилади, нашрининг 27-сонидан Бехбудий тақлифи билан Абдурауф Фитрат муҳаррирликка жалб этилади. Шу йилнинг ўзига "Нашири маориф" жамиятини таъсис этади, бир қатор хайрия жамиятларининг ишларида қатнашади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қизгин фаолияти, нафақат "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журналин, балки бутун Туркистон матбуотида фаол қатнашгани, бири ёпиб қўйилган тақдирда янги ноширлик ва матбаа идораларини очинишга интилгани унинг Ватан озодлиги учун толмас кураши бўлганидан далолат беради.

Шу ўринда, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Самарқанд муфтийиси бўлиб ишлаб юрган даврида Россия III давлат Думаси Мусулмон фракцияси учун тайёрлаган "Туркистон маданий ислоҳоти лойиҳаси" ҳақида кенроқ тўхталиб ўтиш мақсадда мувофиқдир. Ушбу лойиҳа матни 9 боб, 4 қўшимча бўлим ва 25 банддан иборат. Тартиб бўйича 1 дан 25-рақамга қадар жойлаштирилган. Матн "III Думанинг эътиромли Мусулмон фракцияси гайратли вакилларининг мажлиси аҳлига мурожаат" деб бошланади.

Кириш матнида ёзилишича, Туркистон

учун II Думага ёзилган бу ҳужжат Дума тарқатиб юборилгач, қабул этилмаган. Шунинг учун муаллиф уни III Дума қатнашчиларига Россиянинг 20 миллион мусулмон халқи номидан мурожаат билан бошлаган ва ҳужжатга "1907 сана, ноябрь. Самарқанддан иттифоқи мусулмин идора марказияси аъзолариндан муфтийи дорулқазо Самарқандий Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли" деб имзо қўйган.

Ҳужжатнинг 1-бўлими Дума хусусида бўлиб, унинг биринчи моддасида давлат Думаси учун Туркистон аҳолиси номидан "исломияга мутаносиб вакил" сайланиши айтилган, чунки Туркистон аҳлининг аксарияти маҳаллий мусулмонлардир. Кейинги моддаларда ҳукумат ишлари ва мажлисларига Туркистон аҳолисининг ададидан келиб чиқиб ўрин ажратилиши ва жалб қилиниши кўзда тутилган.

2-бўлимда Россия мусулмонларининг раиси ўз вазифасини ижро этиши учун Петербург шаҳрида "маҳкамаи исломия" барпо бўлиши ва унинг раҳбари мусулмонлар тарафидан сайланиши лозимлиги айтилган.

3-бўлим Туркистон идораси хусусида бўлиб, "Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Семиреченский – Эттисув, Закаспийи моварайи Бахри Ҳазар областларидан иборат Туркистон ўлкасига бир идорайи рухония ва дохилия барпо бўлиши" ва унинг маҳкамаси Тошкент шаҳридан бошқарилиши сўралган. Сўнгра Туркистон идорайи дохилия таркиби, унинг вилоятлардаги шўъбалари хусусида сўз боради.

4-бўлим "Идорайи рухония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати" деб номланиб, унда маҳкама ишига мутасадди бўлган шайхулислом ва охунд вазифалари белгиланади ва мазҳабчилик айирмаси, яъни "бошқа ваҳфа сунний ва шьба орасида фарқ бўлмаслиги" ўқтирилади.

5-бўлимда бу идора тасарруфидаги ишлар: маҳаллий рус маҳкамаларига саволнома ва раддия (протест) бериш ва "халқ ҳуқуқини ҳуқумати маҳаллийдан талаб этмоқ ва ҳимоя қилмоқ" деб белгиланган. Бу идора мерос-валолат (туғилиш), усубат ҳазонат (бола қоқиб олиш

ва тарбиялаш), никоҳ-талоқ, рўзгор ва оила ишлари, кўчар ва кўчмас мулк масалалари ҳамда номусл давралари билан машғул бўлиши кўзда тутилган.

Мазкур бўлимнинг кейинги моддаларида масжид, мадраса, мактаб, вақф, васият ишларига масъул шахслар, улардаги мутавалли (ҳисобчи) ва назирлар фаолияти, диний ва дунёвий таҳсил тартиби мактаб ва мадраса дастурларида акс этиши лозимлиги таъкидланган. Туркистон қозилари "шаръий, урфий, тижорий ва замоний ишларни сўрамоқлари учун дастуруламал ва қонунномалар тасниф этмоғи" лозимлиги баён қилинган. "Урф ва расм номи билан жорий одоти қабиҳаларни тадрижий йўқ бўлишига сазъ ва тадбир қилмоқ"лиги айтилган. Айни масалада Бехбудийнинг бир қатор мақолалари ҳам эълон қилинган бўлиб, унда тўйлардаги ортиқча шашам ва исрофгарчилик, ўлим муносабати билан ўтказилган ношаръий маросимлар ҳақида танқидий фикр юритилган.

Барча мактаблар, хоҳ у рухоний бўлсин, хоҳ миллий ва дохилий бўлсин, уларга ишга қирадиган ўқувчилар ва таҳсил оладиган ўқувчилар учун имтиҳонлар белгиланиши, мактабни битиргач, шаҳодатнома бериш ва уларнинг тартибли равишда бажарилиши учун назоратлар ўрнатиш талаби баён қилинган. Ер-сув масалаларини ҳал этишда Туркистоннинг дохилий маиший ҳаётини яхши билган кишиларнинг мутасадди бўлиши, бу борада қонунлар чиқариб, унга амал қилиш таъминланиши ҳам сўралган.

Ҳужжатнинг 6-бўлими "Идорайи рухония ва дохилия масъулияти" ҳақидадир. Идора, шўъбалар ва ижроия маҳкамалар ишлари бўйича дорулқазо, раис ва аъламлар, уларнинг хиёнат ва жиноятлари доимий суратда тафтиш қилиб туриладиган даражада маҳкаманинг биринчи иши эканлиги аниқланган.

7-бўлим "Туркистон қозилари хусусида" бўлиб, уларнинг сайланиш тартиблари, ўз касбига муносибликлари, уларнинг ишга тайин этилиши ва бўшатилиши ҳам мазкур идора ихтиёрида эканлиги алоҳида қайд қилинган. Бир



Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси" (1907) матни, бошланиши ва охириги қисми.

қози ишдан норози киши тўрт қозидан иборат ҳайъатга мурожаат этиши, қозилар томонидан ёзиладиган ҳужжат ишлари, ҳуқнома ва қайд дафтарлари туркча (ўзбекча) ёзилиши талаб этилган. Туркистон ҳудудида умумий тижоратхоналарда, ажнабийлар (чет элликлар) даввоси, ғайридинлар билан бўладиган можаораларда ҳам қонунномаларга мувофиқ иш юритилиши, ҳаракат ва ҳукм қилиниши кўзда тутилган.

Ҳужжатнинг 8-бўлими "жоний ва бадқорлар" (жиноятчи ва ахлоқсизлар)га бағишланган бўлиб, Туркистонда уч маротабадан ортиқ ўғрилиқ ва бошқа жиноятларни содир этганлар юрт ҳудудидан муваққат (маълум муддатга) ёки муаббад (бир умрга) ҳайдалиши айтиб ўтилган. Туркистонлик бўлмаганлар содир қиладиган гуноҳлар ҳам тегишли тартибда ҳукм этилиши лозимлиги таъкидланган.

Лойиҳанинг сўнгги 9-бўлими "Туркистон яхудиёлари ва ажнабийлари" деб номланиб, Туркистон ҳудудида қонун барчага баробар эканлиги, содир бўладиган можаор ва савдолар қонун доирасида амалга оширилиши, туркистонлик бўлмаганлар учун ҳам маҳаллий қози ва идоралар томонидан белгиланган қонунларга риоя этилиши, булар амалга ошмаган тақдирда уларга қўриладиган чоралар ҳам Туркистон қазойи маҳкамаларида амалга оширилиши сўралган.

"Вақфлар хусусинда", "Умумий мактаблар" ва "Сув ва ерлар хусусинда" каби моддалар ҳам Туркистон ерли аҳолиси ҳимояси нуктаи назаридан тартиб берилган. Қўшимча қилинган масалалар асосий ҳужжатда баён қилинган моддаларнинг ижроси учун кўрсатмалардир: "Россияга умумий ўқитув масала ва моддаси Туркистонни мусовияйи муштамил (тенгликни ўз ичига олган) бўлсин; Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратида бўлсин; Умумий ўрта ва олий мактабларга мусулмонлардан комиссия тайинлансин. Рус ҳарфи мусулмон мактабига жабрий бўлмасин".

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг буюк ислохотчилик қарашларини янада чуқур ўрганиш ва аниқлаш ёрдам берадиган мазкур "Туркистон маданий ислоҳоти лойиҳаси" Исмоил Ғаспираниннинг шахсий архивидан топилиган. Бу лойиҳа Думада қўрилгани ёки нашр бўлгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Лойиҳа кейинчалик Ғаспираниннинг фарзандлари томонидан таниқли жадидшунос олим Темур Хўжага тақдим қилинган. Олим унинг матнини туркча таржимаси билан нашр этгани туфайли эндиликда ушбу манбани ўқиб, таҳлил қилиш имконияти туғилди.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ГИГАНТ ҚОРБОЛА

Хитойнинг "қиш пойтахти" сифатида машҳур бўлган Харбин шаҳрида олти қаватли бино баландлиги таенг улкан қорбола ясалди.



Нодир қор ҳайкал атиги 11 кун ичида яратилгани билан ҳам диққатни тортиди. Бу ҳақда The Sun нашри хабар тарқатди.

Маълумки, қор ва муз ҳайкалтарошлиги билан дунёга танилган Харбин шаҳрида ҳар йили халқаро фестивал ўтказилади. Бироқ бу йил шаҳар аҳолиси ва сайёҳларни қарийб 19 метр баландликка эга гигант қорбола янада ҳайратга солди. У ўз қўлами ва ишлови билан оддий инсталляция эмас, балки қиш мавсумининг рамзига айланди.

СУВОСТИ КЕМАСИ ТОМОШАСИ

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин қизи билан бирга сувости кемаси қурилишини кузатди ва узоқ масофали ер-ҳаво ракеталари синовида қатнашди. Бу ҳақда Reuters хабар берди.



Синовлар мамлакатда янги турдаги баланд парвоз қилувчи ракеталарни ишлаб чиқиш бўйича стратегик технологияларни баҳолашга қаратилган. Улар 200 километр узоқликдан ҳаводаги нишонларни йўқ қилган. Ҳарбийлар синовлардан хабардор бўлган ва олдиндан ҳозирлик кўрган.

ТРАМП ҚўЛЛАГАН НОМЗОД ҒАЛАБАСИ

АҚШ президенти Дональд Трамп қўллаб-қувватлаган консерватив сиёсатчи Насри Асфурда Гондурасдаги президентлик сайловларида ғолиб деб эълон қилинди. У чет эл аралашуви ва овоз беришдаги қондабузарликлар тўғрисидаги даъволар билан кечган сайловда ўнг-марказчи Сальвадор Насраллани кичик фарқ билан ортда қолдирди.



Сайлов комиссияси маълум қилишича, Миллий партия аъзоси Асфурда 40 фоиздан ортиқ, Насралла эса 39 фоиздан ортиқ овоз тўплаган. Ҳўжрон партиянинг сўл қанотдаги номзоди Рикси Монкада 19 фоиз овоз билан учинчи ўринни эгаллади.

ҲИМОЛАЙДА УРУШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳиндистон Ҳимолай тоғлари бўйлаб йўллар, туннеллар, самолёт ва вертолёт кўниш йўлакларини қуриш учун юз миллионлаб доллар сарфламоқда.



Бу ҳаракатлар унинг азалий рақиби Хитой билан келажакда юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувга тайёргарлик қўриш мақсадида амалга оширилмоқда.

2020 йилда Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги қонли чегара тўқнашуви ҳар икки томондан аскарларнинг ҳалок бўлишига олиб келган. Бу воқеа 3540 километрлик баҳсли чегара бўйлаб хавотирли ҳавф тугдирган.

1,8 МЛРДЛИК ЖЕКПОТ ҒОЛИБИ

АҚШнинг Арканзас штатида истиқомат қилувчи омадди лотереячи Рождество арафасида 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi Powerball жекпотини қўлга киритди.



Powerball баёнотида айтилишича, чипталарнинг сўнгги дақиқадаги сотуви туфайли Америкадаги жекпот миқдори 1,817 миллиард АҚШ долларига етди. Бу сумманинг нақд пул варианты 834,9 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, АҚШдаги иккинчи йирик лотерея жекпотига айланди.

ЭЪТИРОМ

Ҳеч ким зиёли ёки тайёр мутахассис бўлиб туғилмайди. У тарбияланади, шаклланади. Гулчеҳра опа педагог Содиқ ота ва шифокор Тожихон аянинг оиласида туғилиб, зиёли муҳитда вояга етди. Мактабни олтин медал билан битириб, ТошДУ филология факультетида ўқишга кирди. Бу ерда Озод Шарофиддинов, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Талъат Солиҳов, Миразиз Миртожиев, Ёрмат Тожиев сингари устозлардан фан сирларини қўнғ билан ўрганди. Диплом ишини Ғайбулла ас-Салом бошқараётган таржима назарияси кафедрасидан олди. Наҳиддин Комилов раҳбарлигида дубляж санъатидаги таржима, бадиият ва лаблаштириш масалаларига бағишланган диплом ишини аъло баҳоларга топширди. Ана шу нуктада унда санъат оламига қизиқиш бошланди. Диплом ишини ёзиш жараёнида атоқли таржимон Қодир Мирмуҳаммедов, таниқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Ўлмас Умарбеков сўхбатларидан баҳраманд бўлди.



ГУЛЧЕҲРАСИ БЎЛГАН САНЪАТИМ

Ҳаёти ўқитувчилик йўлидан кетиши мумкин бўлган бир паллада тақдир Гулчеҳра Умаровани 1978 йилда "Ўзбекистон маданияти" газетасига йўллади. Бош муҳаррир, фан арбоби Лазиз Қаюмовнинг синовидан ўтиб, ишни мусахҳихликдан бошлади. Уша вақтда отаси: "Олий маълумотли бўла туриб, имло хатоларини тўғрилаб ўтирасанми?" деб оғринган экан. Лаъл Баҳодир Шастри мактабида ҳинд тилини яхши ўзлаштирган қаҳрамонимиз Индра Ғандининг сўзларини эслатади: "Аҳамиятсиз касб, кичкина одам йўқ! Эрак ё аёл бўлишдан қатъи назар, ҳамма ўз ишини яхши бажарса, бутун мамлакат гуллаб-яшнайд". Қизининг қайсарлиги ва бирсўзги эканлиги билан Содиқ ота оқ фотиҳа беради. Гулчеҳра опа хали-ҳануз уша қонунларни эслаб айтадики, "Мен асли филолог эдим. Корректурда ўтириб журналистга айландим. Чунки газетага келган ҳамма материални ўқирдим. Барчанинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш имкони бор эди. Аста-секин ўзим ҳам ёза бошладим".

Гулчеҳра Умарованин меҳнат дафтарчасида ва юрагида умрининг 47 йили бадалига фақат бир таҳририятнинг номи

қайд этилган. Ушбу газета турли йилларда "Ўзбекистон маданияти", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" деб номланиб, 2024 йилдан "Jadid" номи билан чоп этилмоқда. Осонми, ўн уч бош муҳаррир билан ишлаш, уларнинг талабларига жавоб бериш? Бу рўйхатда Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саъдулла Ҳаким, Аҳмад-жон Мелибоев, Салим Ашур каби дарғаларнинг борлигидек кишини шоширади. Гулчеҳра опанин дубляжни чуқур ўрганиши ҳамда келин бўлиб тушган оиласидаги муҳит унинг санъат журналистикаси йўлидан кетишига туртки бўлди. Устозимиз гарчи санъатшунослик бўйича илмий иш қилмаган бўлса-да, фаолияти давомида ўнлаб, юзлаб олимлар учун тайёр манбалар захирасини шакллантириб берди.

Ақсар хаваскор журналистлар бошида таъкид қилиб, машҳурларни ёритиб танилиб опади, хайратлар қозилигига ўтади-да, мақсад ҳосил бўлгач, бирдан пушти кўзойнакни тақиб, мадҳ саного ўтиб кетади. Нега? Бу ёнига обрў-мартабани йўқотмасдан умр охирига етиб олишни ўйлайди. Мактаган банд сийловсиз қолмайди, ахир. Лекин Гулчеҳра Умарова қарийб эллик йиллик фаолияти

давомида маслаҳатдан, аъмолидан тоймади. Устоз журналистнинг "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" китобини ўқиб, шу хулосага келдим. Ўтган асрнинг 80-йилларидан шу кунларимизгача бўлган даврдаги маҳкама ва сўхбатларида қатъият, жасорат ва албатта, ҳақиқат жамоли жилва қилади.

Ижодни узоқ йиллар давомида бир руҳда ушлаб тура олиш – айтишга осон, лекин одам ҳаёти фақат ишдан иборат эмас-ку. Унинг ҳам оиласи, рўзгор ташвишлари, аёллик масъулияти бор. Гулчеҳра опа бу борада ҳам ибрат кўрсатади, етук фарзандларни тарбиялаб, эл-юрт хизматига қўшган.

Меҳнат қилган одам, албатта, роҳатини қўради. Гулчеҳра Умарова ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг "Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, "Меҳнат шухрати" ордени сингари юксак мукофотлари билан тақдирланди. Бугун устоз етмиш ёшга қаршилади. Машҳур адибларимиздан бири ёзганидай, Гулчеҳра опага табрик учун "адрес папка" топилмайдиган 90, 100 ва ундан зиёда умр тилайми!

КАСБДОШЛАР



ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ҲАҚ ЕНГАР, ЕНГИЛМАС!

Яқин тарихимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида жадид ҳаракати каби муҳим ўрин тутган, айна пайтда, унингдек хилма-хил талқинга эга иккинчи ҳодисани топиш мушкул. Бу ҳаракат вакилларининг ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши ва фаолият йўналишлари ҳам, табиийки, бир хил бўлган эмас.

Одатда, жадидлар ва қатагон курбонлари ҳақида гап кетганда, терговчилар салбий қиёфада гавдаланади. Аммо қахрамонимиз – қўқонлик терговчи Иброҳимжон Мусахоновнинг қисмати бошқача кечди.

Иброҳимжон Мусахонов 1904 йили Қўқонда савдогарлар оиласида туғилиб, шаҳар иқтисодий-ижтимоий ҳаётига яқин муҳида улғаяди. Уша вақтда ўлкадаги савдогарлар қатлами орасида жадид фояларига хайрихоҳ, анъанавий таълим билан бир қаторда, амалий билим ва рус тилини ўзлаштиришга интиладиган шахслар кўпчилик эди. Шу жиҳатдан, Иброҳимжоннинг дастлаб эски мактабда, кейин эса рус-тузем мактабда таъсил олиши ажабланарли ҳодиса эмасди.

1917 йилдан кейин шакллана бошлаган янги ҳокимият тузилмалари учун саводли ва жамоатчиликни тушунадиган кадрларга эҳтиёж ортиб бориши натижасида, ҳали ўспирин Иброҳимжон Мусахонов Қўқон шаҳар милициясида хизмат қила бошлади. Кейинчалик унинг даҳа кўмитасида (1918–1920) ҳамда қизил армия сафида (1921–1922) фаолият юритгани ижтимоий фаол шахсларнинг давлат хизматидаги бошқача-бошқача жаблб этилганини кўрсатади.

1921–1923 йилларда маҳаллий суд органларини қайта ташкил этиш, улар фаолиятини жамоатчиликка тушунтириш ва янги ҳуқуқий тартибни тарғиб қилиш вазифаси кун тартибига чиқди. Жараёнда суд идоралари ҳузурида матбуот билан ишлаш амалиёти шакллана бошлади. Шу тариқа, Иброҳимжон Мусахонов 1923 йили Фарғона вилояти судида журналист сифатида ишлади. Мазкур фаолият унга суд тизимини бевосита ичидан кузатиш ва ўрганиш имконини беради. Қолаверса, айна шу йиллар унинг фаолиятида ҳуқуқий фикрлаш қобилияти шаклланган бошқич сифатида алоҳида аҳамият касб этганини кузатамиз.

1924 йили у Фарғона вилояти партия кўмитаси ҳузурида ташкил этилган судьялар тайёрлаш курсини тамомлайди. Ҳуқуқи тугатиб, суд тизимига мутахассис сифатида жалб этилади. 1924–1926 йилларда у вилоят судининг шикоятлар бўлимида котиб вазифасини ўтаб, суд ҳужжатларига яна бир қадам яқинроқ келади, қарорларни расмийлаштириш, аризаларни кўриб чиқиш жараёнларида иштирок этади. Сўнг Бешариқ, Чуст, Поп туманларида терговчи бўлиб ишлайди. 1929 йилдан Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимида терговчи лавозимида иш бошлаган Иброҳимжон Мусахонов шу зайдда касбий фаолиятини тўла-тўқис ҳуқуқ-тартибот тизими билан боғлайди. Бирок...

Совет қатагон сийёсати жамиятнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатгани каби, прокуратура ва суд-ҳуқуқ тизимида ҳам мислсиз қурбонларни ямламай ютди. Соҳани яхши тушунган, ҳақ-ҳуққини таниган ва қонун устуворлигини истаган инсонлар биринчилардан бўлиб таъқибга учради, чунки улар оддий одамларга ўз ҳаққини, умумлаштириб айтганда, ҳурриятни талаб қилишни ўргатиши мумкин эди. Уларнинг ўрни марказдан келган кўрсатмаларни гап-сўзсиз бажаришга мойил шахслар билан тўлдириб борилди.



Қатагон курбони Иброҳимжон Мусахоновнинг "Қизил Ўзбекистон" газетасида (1932 йил 29 май №122) эълон қилинган сурати.

ЎзССР Адлия халқ комиссарлиги марказий аппаратининг 1931 йилдаги таркиби биз айтаётган ҳолатни яққол ифодалайди. Раҳбар лавозимларда ишлаган шахсларнинг аксари европа миллатларидан иборат бўлиб, маҳаллий ҳуқуқий анъаналар ва жамият эҳтиёжларидан узоқ эди. Мавжуд маҳаллий кадрларнинг ҳам кўпчилиги қули маълумотли, малакаси паст, суд-ҳуқуқ тизимига атиги уч-тўрт йил олдин жалб этилган кишилар бўлганини ҳужжатлар орқали кўриш мумкин.

Бундай кадрлар сийёсати тизимда ишлаган тажрибали ва мустақил фикрлайдиган инсонлар учун хавфли муҳитни вужудга келтирди. Иброҳимжон Мусахонов ҳам айнан шу соҳа вакили сифатида бу жараёни бошдан кечирди. Соҳадаги ўзгаришлар унинг қадриятлари ва қарашларига тобора қарши кела бошлади.

Айна пайтда, прокуратура тизимида сийёсий буюртмаларни бажаришга мойил кадрлар олдинга сурилди. Бадриддинов, Қосимов ишларини "муносиб адо этган" Катанян ва Гинсбург каби шахслар республика прокуратурасида янада юқори мавқени кўлга киритди. Маҳаллий ва марказий матбуот эса "бадриддиновчилик" деган тушунча атрофида тўхтаб ва бўҳтонларга тўла юзлаб буюртма мақолалар билан тўлдирди.

1930 йилларга келиб, Қўқон шаҳри, умуман, Фарғона водийсида газеталар айрим шахслар фаолиятини кескин танқид қилиш майдонига ҳам айланади. Айниқса, суд ва прокуратура тизимидаги ходимлар, улар фаолияти борасида чиқишлар кўпаяди. Иброҳимжон Мусахонов номи айнан шу даврда матбуот саҳифаларида тилга олина бошлади. 1930 йил 3 август кунини "Янги Фарғона" газетасида "Соғлом аппаратда ифлослар башараси" номли мақола чоп этилади. Унда Қўқон район соқчилар бошлиғи Курбон Қосимов фаолияти танқид остига олинган бўлса-да, унинг иши айнан Иброҳимжон Мусахонов томонидан тергов қилинаётгани алоҳида таъкидланади. Шу орқали, Мусахонов билвосита жиноятни ёпиб қўяётган шахс сифатида қаратилган биринчи очиқ зарба эди.

Орадан кўп ўтмай, ушбу газетда "Дарул ахлоқ старшиси" номли яна бир хабар чиқиб, унда дарул ахлоқ назоратчиси Ёқубжон Ҳошимов порахўрлиги баён қилинади. Иброҳимжон Мусахонов бу ҳолатни била туриб чора кўрмаган, жиноятни яширган терговчи сифатида таъсирланади. Ҳеч қандай суд қарори ёки расмий ҳулосага таянмаган бу айбловлар Мусахонов ҳақидаги салбий тасаввурни янада кучайтиради.

Жараён тобора кескин тус олиб, "Бадриддиновчилар иши" бўйича ўтказилган сайёр суд жараёнлари матбуот-

да кенг ёритилаётган 1932 йилнинг май ойида "Қулоқ билан ҳамтавоқ" номли мақола босилиб чиқади. Унда Мусахонов очикдан очиқ "қулоқлар билан тил бириктирган", "синфий душманларга хизмат қилган" терговчи сифатида кўрсатилади. Ҳали суд ҳукми чиқмасдан, "айби бўйнига илиб қўйилади" гўё.

Босимлар босқичма-босқич кучайиб бораверади. Бу мақолалар ҳақиқатни аниқлашни эмас, аксинча, жамоатчилик олдида айбдор образини яратишни кўзларди. Натижада Мусахонов олдинга газеталарда, сўнг терговда айбдорга айлангиларилади. У Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 63-моддаси билан айбдор деб топилиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилади ва партия сафидан чиқарилади. Шу тариқа, унинг илк қамалиши айнан матбуот муҳитида пишиб этилган, олдиндан шакллантирилган бўҳтонларнинг мантқиқий давоми эди.

1934 йилда Мусахонов оиласи бағрига қайтди. Аёли Адолатхон, икки фарзанд – Турсуноий ва Саматой билан оғир шароитда яшай бошлади. Давлат хизматида қайтиш имкони бўлмагани учун Қўқондаги омонат қассага кассир бўлиб ишга жойлашади. Бирок "қатта террор" киргини қайта хуруж олган, аввалги "айб" лар тагин кўтарилади. У 1937 йил 1 сентябрь кунини Қўқон шаҳар НКВДси томонидан иккинчи бор ҳибсга олинади. Уйда ўтказилган тинтувда диний адабиётлар, "Давр душманлари", "Бадриддиновчилик", "Бомба" каби китоблар, шахсий ҳужжатлар мусодара қилинади. Тергов пайтида унинг фикрлари умуман инобатга олинмайди. 1937 йил 13 ноябрда НКВД "учлиги" қарори билан Иброҳимжон Мусахонов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Афсуски, унинг кейинги тақдири ҳужжатларда акс этмаган. Лекин аввалги уч йиллик авахта ва унинг оғир оқибатлари ҳар қандай инсоннинг жисмоний ва руҳий мувозаанатини издан чиқариши турган гап. Боз устига ўрмонга ўт кетиб, ҳўлу қуруқ баробар ёнаётган муҳдиш шароитда, репрессиянинг иккинчи тўлкинида ҳар қандай азамат жувонмарг бўлиб кетишига шубҳа йўқ. Шундай қилиб, қахрамонимиз белгиланган муддатдан сўнг ота уйига қайтмаган ёки яқинларига бирор белги бермаган. Демак, миллатнинг илгор фарзанди, фидойи зийлиси Иброҳимжон Мусахоновни ҳам қаттол сийёсат қурбони сифатида шахидлар рўйхатига қўйишга мажбуримиз.

Шу ўринда, қатагон қурбони бўлган маърифатпарвар шоир Муҳаммадшариф Сўфизоданинг мана бу сатрлари эсга тушади:

*Ҳақлик дегани енгар, енгилмас,
Ҳақиқат эгилар, аммоки синмас.*

Мустақиллик туғайли тарихий ҳақиқатни тиклаш ва қатагон даври воқеаларини илмий асосда ўрганиш имконияти яратилди. Бу жараён "ҳаққ душмани" тамғаси билан ноҳақ қамалган, сургун қилинган, отилган – ёппасига қатагонга учраган ўн минглаб инсонлар тақдирини қайта баҳолаш, уларнинг номини тиклаш ҳамда жамият хотирасини адолатли тарзда шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Қатагон сийёсатининг ижтимоий, сийёсий ва маънавий оқибатларини таҳлил этиш орқали миллат тарихининг оғриқли саҳифалари очилмоқда. Бу эса тарихий тафаккурни бойитиш, ҳақиқатни ҳолис англаш ва миллий ўзликини мустақамлаш йўлида, шубҳасиз, муҳим қадамдир.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-саҳифада.

Саид Ризо Ализода 1887 йил 15 февралда Самарқандда туғилган. Отаси Ҳожи Мирмаксум эронлик мансабдор шахс бўлиб, 1882 йилда Хуросондан Бухоро орқали Самарқандга кўчиб келган. Онаси Ҳадичабегим эса машҳур озарбайжон бастакори Узейир Ҳожибековнинг қариндоши ҳисобланади.

У илк таълимни аввал Самарқанддаги мадрасада, кейин озарбайжон олими Шайх Абулқосим томонидан ташкил этилган янги усул мактабиде олган. Қисқа муддатда мактабни юқори баҳоларда тамомлаганидан сўнг, шу ерда муаллимликка олиб қолинган. Иш жараёнида мактаб кутубхонасидаги Озарбайжон, Эрон ва Ҳиндистонда нашр этилган газета ва китобларни мунтазам ўрганиб, билим доирасини кенгайтириб борган. 1906 йилдан

ҚАЛАМНИНГ ҚУДРАТИ

Демулов номли босмахонада ҳарф терувчи сифатида фаолият юритган, кейинроқ рус тилида чиқадиган "Самарқанд" газетасида мусахҳахлик қилган. Бу унга тилни чуқур ўрганиш ва рус тилидаги адабиётлар билан яқиндан танишиш имконини берган. У олий таълимни олти йил давомида Машҳад мадрасасида олган.

Саид Ризо Ализода жадидлар саркори Маҳмудхўжа Бехбудий билан ҳамкорликда ўзбек тилида чоп этиладиган "Самарқанд" газетасини ташкил этган, 1913 йилдан бошлаб "Ойина" журналида фаолият юритган. Ушбу нашрларда Туркистон мактаблари ва мадрасаларидаги эски таълим тизими танқид қилинган ҳамда ислохотлар ўтказишга қаратилган мақолалар мунтазам эълон қилиб борилган. Юқоридаги нашрларда "Телеграф хабарлари" саҳифалари берилишида ҳам унинг ҳиссаси катта бўлган.

Саид Ризо Ализодининг 1917 йилда "Бухоро, уйғон!" номли мақоласи "Бухорои шариф" газетасида эълон қилинганидан сўнг, Файзулла Хўжаев уни Бухорога таклиф қилган. Шу йили у "Шарқ"да муҳаррир, "Ҳуррият"да эса таржимон ва муҳбир сифатида фаолият юритган.

1922 йилдан бошлаб Саид Ризо Ализода "Зарафшон" газетасида бўлим мудир сифатида меҳнат қилган. Шу билан бирга, "Туркистон хабарлари", "Камбағаллар ўқи", "Ҳуррият", "Меҳнатқашлар товуши", "Бухорои шариф", "Турон", "Самарқанд овози" газеталари ҳамда "Машраб", "Мулла Мушфиқий" журналларида мунтазам равишда мақола ва фелъетонлари билан қатнашиб турган. У ўз асарларида Баҳул, Замбур, Ранжбар, Боғишамол, Шапалоқ, С.А. каби тахаллуслардан фойдаланган. Матбуотдаги фаолияти большевик ҳокимиятини қаттиқ ташвишга солган, бунинг яққол мисоли сифатида "Мен суддан кўркмайман" мақоласидаги қатъий ва очик позициясини келтириш мумкин. Ушбу мақолада у жасорат билан қўйидаги жумлаларни ёзади: "Ҳибсда ётишни ўзим учун фахр ва эътибор деб санайман. Чикинг майдонга, мен суддан кўркмайман!"

Саид Ризо Ализода маҳаллий бойларни янги усул мактабларига маблағ ажратишга кўп марта тарғиб қилган. Таълим соҳасидаги фаолияти 1907 йилда "Ҳаёт" ва 1909 йилда "Мактаби исломия" мактабларини очиб билан бошланган, бу мактаблар асосан камбағал оилалар фарзандларига таълим беришга мўлжалланган эди.

Унинг ўқувчилар учун тайёрлаган дарсликлари қаторида "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Журғофия", "Риёзиёт", "Ҳандаса", "Табият", "Дин вожиблари", "Низомнома", "Баъдан тарбияси", "Илми фазо" каби китобларини санаб ўтиш мумкин. Бошланғич синфлар учун мўлжалланган бу дарсликлар ўқувчиларни савод чиқаришга, аниқ ва табиий фанлар бўйича билим ва кунималарга эғалик қилишга йўналтирилган.

Шунингдек, у ўзбек мактаблари учун "Биринчи йил" алифбосини яратиб, янги усул мактабларига бепул тарқатган. Мактабдорлик фаолиятидан ташқари, шаҳардаги руслар учун кечки курслар ташкил қилиб, уларга ўзбек ва тожик тилларини ўргатган.

1916–1922 йилларда театр санъатида ҳам фаол иштирок этган Саид Ризо Ализода Бехбудийнинг "Падаркуш", Моляернинг "Зўрақи табиб", Узейир Ҳожибековнинг "Аршин мол олан", "Лайли ва Мажнун", "Асли ва Карам" ҳамда Хусайн Жовиднинг "Шайдо", "Шайх Санъон" асарларини сахнага қўйишда иштирок этган, ўзи ҳам айрим ролларни ижро этаган.

Полиглот, қомусий билим ва жасорат соҳиби Саид Ризо Ализода фаолияти хориждаги илм-фан, давлат ва жамоат арбоблари томонидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, набираси Фарҳод Ализодининг маълум қилишича, Афғонистон ҳукмдори Омонуллоҳон фармони билан Саид Ризо Ализода форс тилида "Асри саодат", "Одоби иқром", "Тарихи ислом", "Тарихи Туркистон", "Маданияти ислом", "Фан дар борайи коинот" ва бошқа асарларни ёзган, улар 1923–1933 йилларда Покистоннинг Лоҳур шаҳрида нашр қилинган.

Маърифатпарвар мутафаккир луғатшунослик соҳаси-

да ҳам фаолият юритган. 1933-1934 йилларда 61 минг сўздан иборат икки жилдлик русча-тожикча луғатни нашр эттирган. Шунингдек, таржимонлик билан фаол шўғуллашиб, Александр Пушкиннинг "Евгений Онегин", "Дубровский", "Капитан қизи", Фёдор Гладковнинг "Цемент", Николай Островскийнинг "Пўлат қандай товланди", Синклер Эптининг "Юз фоиз", Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асарларини тожик тилига ўтирган. Шунингдек, у афғон тараққийпарвари Маҳмуд Тарзий билан ҳамкорликда Жўло Вернинг "Ер ўзи бўйлаб 80 кунлик саёҳат"ни форс тилига ўтирган.

Саид Ризо Ализода 1933–1937 йилларда Самарқанддаги университетда араб ва форс тилларидан дарс берди ва умрини миллат раънақи, маърифат ва янги қарашга эга авлод тарбиясига бағишлади.

Афсуски, уни 1938 йил 3 февралда дарс бериб тур-



Саид Ризо Ализода оила аъзолари билан.

ган хонанинг ўзида НКВД ходимлари қамоққа олади. Олдинига Самарқанд, сўнг Тошкентда, кейинроқ Тоболск ва Владимирда 8 йил қийноқлар остида тутқунлик азобини тортган Саид Ризо Ализода 1945 йил 24 декабрда қамоқхонада сил касалидан вафот этади. Аммо қатагон машинаси оила бошлиғини йўқ қилиш билан тинчимайди. Мустабид тузум жаллодлари Ализодининг ўғли Саид Тоғизодани ҳам 10 йилга Сибирнинг совуқ ўрмонларига сургун қилади. Оиланинг бошқа аъзоларига ҳам бир неча йиллар мобайнида таъзиқлар ўтказиб келинади. Саид Ризо Ализодининг номи 1958 йил 16 январда ЎзССР Олий суди ёпиқ мажлисида қўрилиб, реабилитация қилинган эса-да, аммо бу тўлақонли оқланиш эмасди.


Қадимги Рим ҳуқуқшуноси Улпиан "Адолат ҳамманинг ҳақини ўз эгасига қайтариб беришидир", деб ёзган эди. Саид Ризо Ализодининг ҳақ-ҳуқуқлари, пок номи айнан мустақиллик йилларида элимизга қайтарилди, барча жадид зиёлилари қатори унинг порлоқ хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатилди. Хусусан, у яшаган уй 1998 йил ноябрда музейга айлантирилди ва ҳаёт йўлини очиб берувчи кўргазмалар ҳамда илмий мероси билан бойитилди. Самарқанд шаҳри кўчаларидан бирига, шаҳардаги 14-мактаб ва ўзи яшаган маҳаллага Саид Ризо Ализода номи берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи кутубхонасига Саид Ризо Ализода номи берилди. Унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм тайёрланди. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан 2017 йилда тайёрланган рисолага Саид Ризо Ализодининг ҳаёти ва тақдири, қолдирган бой илмий мероси ҳамда уй музейи ҳақида маълумотлар киритилди.

Бу эзгу ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, муҳтарам Президентимиз томонидан жадидлар меросини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган изчил эътибор ва мазкур йўналишда қабул қилинган муҳим қарорлар билан узвий боғлиқдир. Ана шу сийёсий ирода ва маънавий таянч натижасида жадид ҳаракатининг маърифий-тарихий аҳамиятини янада теран англаб етмоқдамиз.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи
директори, тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шарипжон Абдурахмонов – 1884 йил Бухоро шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг собиқ аъзоси. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг бошқа аъзолари билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланган. 5569-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган.

Юсуфхўжи Эшонхўжаев – 1896 йили Косонсой райони Қорасув қишлоғида туғилган. "Нашир Маориф" ташкилотининг фаол иштирокчиси бўлган. Қамоққа олинган пайтда ҳисобчи бўлиб ишлаган. У қулоқлар гуруҳига бошчилик қилганликда, партия ва ҳукуматнинг хотин-қизларни озод қилинишига қарши тарғибот олиб борган-

ликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Мол-мулки мусодара этилган.

Кубри Абдуқаномов – 1886 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси бўлган. 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил сургунга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон кооперация хомашёсида тайёрловчи бўлиб ишлаган. Доймий равишда қарши тарғибот олиб борганликда, капиталистик тузумни мақтаганликда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Исломбек Арслонбеков – 1901 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1918 йили кўнгилли ҳарбий хизматда бўлган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромов 1937 йил 21 сентябрда қамоққа олингандаги терговда аксилинқилобий ташкилотда Исломбек Арслонбеков ҳам бўлгани қайд этил-

ган. 1937 йил 8 октябрда қамоққа олиниб, Тошкент турмасига келтирилган. Унга Ўзбекистонда аксилинқилобий фаолият кўрсатган деган айб қўйилган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 8 октябрдаги сайёр йиғилишида отувга ҳукм этилиб, ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ амалга оширилган.

Мирзақарим Мирзараҳматов – 1897 йили Тошкентда туғилган. 1921 йили Тошкент уезд ижроия кўмитасининг раиси лавозимида ишлаган. 1934 йили Москвадаги Бутуниттифок Саноат академиясини тамомлаганидан сўнг Тошкент тўқимачилик комбинати директорининг ўринбосари лавозимига тайинланган ва у ерда совет ҳокимиятига қарши муносабатда бўлган муҳандислар: Темирбек Қозимбеков, Фаббах Турсунов ва Аловуддиновни жалб этган ҳолда миллий контрреволюцион гуруҳ ташкил қилган. 1937 йил 4 августда "Миллий иттиҳод" ташкилотиде фаол бўлганликда айбланиб ҳибсга олин-

ган. Айбномага кўра Мирзараҳматов бу ташкилот топириги билан ўзбек ишчилари орасида тарғибот олиб бориб, уларни ташкилотга ёллага ҳаракат қилган. Шунингдек, у ташкилот топиригига биноан миллий-озодлик ҳаракати қўшинларини қурол-яроғ билан таъминлашда иштирок этганлик ва ҳужумларни ташкил этиш чораларини муҳокама қилганликда айбланган. Мирзақарим Мирзараҳматов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64-, 65- ва 67-моддалари бўйича 1938 йил 8 октябрда СССР Олий Суду ҳарбий коллегияси сайёр сессияси томонидан отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша кунёқ ижро этилган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси
(Давоми келгуси сонда).



ЖАМИЯТ ВА БИЗ

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий шарқона қадриятлар руҳида тарбия топган олижаноб шахс сифатида, ўз ҳаёти ва ижодида исломий ва дунёвий одоб-ахлоқ меъёрларини ҳамisha мувозанатда ушлаган. “Иигинди гаплар” мақоласи учун мақсамага тортилганида ҳам, гарчи адолатсизлик қурбони бўлган эса-да, адибни ўта босиқ ҳолда кўраимиз.

Асарларига тўхтамай тош отаётган кимсаларга ёзган раддияларида ҳам сира-сира жаҳл отига минмайди. Айрим ўринларда сўзи исботи учун аччиқ ханда ёки кесатиклар келтириш билан чекланади. Аммо ушбу хассос ва аччиқ сатрлар адиб қаламига мансуб эканини биласизми: “Орамиздаги ўзбек, тожик ва қозоқлик иғволарини алангалатиб юрган дуварак одамларни йўқотмоқ қасамини ичайлик!” Хўш, адиб нега бу қадар жаҳл отига минган, ушбу сатрларни ёзмаққа уни нима мажбур қилган?

“Муштум” журналининг 1925 йил 22-сонидан эълон қилинган “Бир йил” сарлавҳали мақоласи тагсарлавахасига адиб “жиддия” деб ёзиб қўйган. Эътиборлиси, адибнинг вақтли матбуотда чоп қилинган юзлаб мақолаларида “жиддия” тагсарлавахасига деярли дуч келмайди. Демак, Қодирийни ғазабланган нимадир рўй берганки, у зот сатира тигини бир лаҳзада ўткир ханжарга айлантириш мажбуриятида қолган.

Бугун ижтимоий тармоқларда энг кўп кузатилаётган мавзулардан бири нима, биласизми? Ўта тор доирадаги маҳдуд миллатчилилик! Минг йилларки, яқин кўшни бўлиб яшаётган, тили ва дини, қадриятлари бир бўлган миллатларнинг орасига низо солмоқчи касб қилиб олган кимсалар ёзаётган ҳаволаларга кўзингиз тушса, энсангиз қотади. Йўқ, Қодирий бобо каби жаҳл отига минасиз. Кимдир психикларча “Биз туркий халқларнинг энг қадимийсимиз”, дея кўкрак керади, бунга ўзича ривоятю ҳикоят ва яна қандайдир манбалар

ҚОДИРИЙНИНГ ҚАСАМИ



келтиради ҳам. Иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ҳоказо томон ҳам қараб турмайди. Шу тариқа аянчи “пойга” бошланади.

Бу каби ҳаволаларга тарихдан чала хабардорлар аралашиб, талашиб-тортишиб (афсусланарлиси, баҳс бир зумда ҳақоратларга айланиб кетиши) гўрга, ҳатто тарихчи олимлар, ўзини зиёли қатламга мансуб деб даъво қиладиган туппа-тузук одамлар ҳам миясига эмас, тилига зўр беради.

Яна юз йил ортага, буюк Қодирийнинг жиддиясига қайтайлик. “Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик! Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, “ўзини билмаган ўзгани билмас” сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан ўғлидир”. Қодирий ушбу аччиқ сўзларни ўша пайтда “Иттиҳоди ислом” ва “Иттиҳоди турк” широлари билан майдонга

чиққан ва эндигина бир қадар қаддини тиклаётган миллатни қайта муҳораба майдонларига чорлаётган гуруҳларга қарши айтмоқда. Бундан “Қодирий исломга ёки туркий бирликка қарши эди”, деган хулоса чиқмайди. “Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин”, дейди адиб. Ўзликни таниш эса илм-маърифат орқали амалга ошади. Илмдан йироқ, маърифатдан беҳабар қавм бир умр қуллик занжирини бўйнига осишга мажбур бўлади. Миллат илми, маърифатли бўлиб шаклланиб экан, вақт келиб майдонга чиқишга қодир бўлади.

Тарихга назар ташласак, ўша пайтда янги тузилган республика бошқарувидаги асосий раҳбарлик ўринларига четдан келган кадрлар тайинланганини кўраимиз. Маҳаллий но-розиликлардан сўнг, уларнинг аксари қақир-олинган ва ўрнига бошқалар юборилган.

Ачинарлиси, айнан шу келгинди кимсалар маҳаллий миллатлар орасига нифоқ солиш, уларни бир-бирларига гижгиллашга бош-қош бўлган. Қодирийнинг ғазоби кўпроқ шу кимсаларга ва уларнинг ноғораларига ўйнаётган ерлик миллат вакилларига қаратилган. “Бу-либ ташла ва ҳукмонлик қил!” ширини дастуруламал қилган советлар айнаи шу даврда “панисломизм”, “пантуркизм” деган ибораларни ўйлаб топади. Вақт келиб бу айблар жаҳид боболаримизни ёмонотлик қилишда роса асқотади. Ваҳоланки, Қодирий ва бошқа жаҳидлар ўз вақтида айнаи шу бўлинишлар – миллий айирмачиликлардан халқни огоҳ қилган эдилар.

Қодирий ўз мақоласида бир давлат ичиде яшаётган турли миллат вакиллари орасига нифоқ солиш – ўз бошпанасига ўт қўйиш билан баробар эканини таъкидлайди. Адиб ташқи душмандан ички душман хавфли экани, ташқи душман кўриниб келса, ички душман кўринмас нишлари билан ичдан зарба беришни афсус билан қайд қиладикки, бу аччиқ маслаҳатлар бугунимиз учун ҳам ғоят долзарбдир.

Ижтимоий тармоқларга танда қўйиб, зўр бериб ўзларининг “қадимий”лиги, қайсидир ҳудуд ёки алломага даъволарини бот-бот такрорлаётган айрим миллатчи ва айирмачи, бузғунчи кимсаларга “Барчамиз Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқаганмиз, айирмачиликни бас қилайлик, одам бўлайлик!” – дейиш билан иш битмайди. Аксинча, буюк адибдан улғу олиб, унинг қасамини қайта ичишимизга тўғри келади. Токи, бундай ғаламис кимсаларнинг думи туглиб, нафаслари ичига тушиб кетгунича, уларга қарши ғоявий курашни бир зум ҳам тўхтатмаслигимиз керак. Керак эмас – шарт!

Рўзимбой ҲАСАН

МУКОФОТ



Куни кеча “Ренессанс кино уйи”да Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Бу мукофот жаҳон адабиётининг машҳур ва етук асарларини ўзбек тилига ўғирган, ўзбек адабиётининг сара асарларини хоризда тарғиб қиладиган фидойи таржимонлар меҳнатига муносиб рағбатдир.

“РАВЗАТ УС-САФО” ДАН “АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР” ГАЧА

Танловга жами 60 нафар таржимондан ижодий ишлар қабул қилинди. Бу танлов номинациясининг ҳар бирага ўрта ҳисобда 10 нафардан номзод тўғри келди, деганидир.

Кўриққа топширилган асарларга баҳо бериш учун хоржий тил мутахассислари, адабиётшунослар ва таржимон-муҳаррирлардан иборат экспертлар гуруҳи тузилди. Асарларни кўриб чиқишда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Тошкент давлат шарқшунослик, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетлари мутахассислари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари фаол иштирок этди.

Экспертлардан ташқари, танловга келган ижодий ишларни кўриб чиқиш учун қўшимча ишчи гуруҳ ташкил этилди. Унинг бир қисми ўзбек адабиётидан хоржий тилларга қилинган таржима-

ларни, иккинчи қисми жаҳон адабиёти намуналаридан ўзбек тилига ўғирилган асарларни кўриб чиқди.

Адабиёт ва дўстлик байрамига айланиб кетган тақдирлаш маросимиде Халқаро мукофот ғолибларининг ҳар бири махсус диплом, кўкрак нишони ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари, рағбатлантирувчи мукофот эгалари эса фахрий ёрлик ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдориде бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди.

Танлов бадиий таржима соҳасининг ривожини учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта. Қолаверса, таржимашунослик соҳаси учун янгидан-янги тадқиқот объектлари яратилади, ўзбек адабиёти тарғиботи уфқлари янада кенгайди, ёш таржимонлар маҳоратини ошириш, соҳага қизиқтириш, халқаро даражага чиқишга ундаш учун ҳам бу каби танловларнинг ўрни беқиёс.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

“ҚОРБОБОМИЗ ОППОҚ...”

Ҳа, кўпчилигимиз бу шеърни кўксимизга қўл босиб, “смирно” туриб, берилиб қўйлаганмиз. Унинг сўзлари битта-иккитаси тушган тишларимиз орасидан кулгили тарзда чиққан, “Қорбобо”нинг совғага тўла қопидан кўз узмай айтган пайтларимиз ширин хотира бўлиб қолган. Кеча шу ўйлар билан уйга қайтаётим, ғалати ҳолатга дуч келдим...

Йўл ёқасида ўн-ўн беш ёшлар чамасидаги болаларнинг қўшиги беихтиёр қулоққа чалинди. Янги йил ҳақида экан. Илк қарашда оддий байрам шукӯҳидек туюлади. Аммо тинглаган сари кўнглим беҳузур бўлди. Бу хиргойи биз болалиқда Қорбобого атаб, кўзларимиз ёниб айтган самимий шеърларга сира ўхшамасди. Ундаги қувонч ўрнини махсара ва нафрат эгаллаганди.

Тўғри, аввал ҳам шундай гап-сўзлар бўлган: “Янги йил ундай, Қорбобо бундай...” Илк бор эшитганимда болалиқнинг беғубор завқи, қутилмаган совғалар, маҳалла-қўй жам бўлиб нишонлайдиган дузурбахш кечаларга наҳотки бутунлай чек қўйилса, деб юрагимни гашлик қоплаганди. Кейин бу муносабат сабабларини ўйлаб, суриштира бошладим. Хулосам шу бўлдики: Янги йилни нишонлашнинг ҳеч қандай айби йўқ. Бу қандайдир ножиоз амал эмас, инсон умрининг кичик бир сарҳисоб они экан. Уламолар ҳам шу маънода гапириб, фикрларини турли манбалар орқали асослаб берганди. Демак, муаммо байрамда эмас, унга бўл-



ган ўта шахсий муносабатда... Аммо ўртада бир нозик чегара борки, бу бошқалар ошига тупроқ сочмаслик билан боғлиқ.

Кечаги болалар эса ҳали дунёнинг оқ-қорасини тўла англаб улгурмаган норасидалар эди. Бу ёшда бола кўпроқ катталарнинг сўзи, муҳитнинг таъсири билан яшайди. Демак, уларнинг тилидаги “совуқлик” ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас.

Ўйлаб кўринг, декабрь кириши билан синфларда бир хил гап бўлади: “Хонани қандай безайимиз, ким қандай совға олади? Торт ҳам бўлади-ми? Янги йилга режалар...”

Соат ўн икки бўлиши билан шодон-шодон қийқиқлар, мушаклар баами осмонни тутуди. Уйдаги байромона тузалган дастурхон, экранлардаги қувончли табриқларни

айтмаса ҳам бўлади. Ана шундай пайтда “Бизга мумкин эмас” деган гапни эшитган бола ўзини жамиятдан узилгандай, шодлиқдан маҳрум этилгандай, қўлидан ўйинчоғи тортиб олингандай ҳис қилмайдими? Бунинг ортдан руҳий жараҳатлар келиб чиқмайдими?

Қўйинг, бола мўъжизаларга ишонсин. Ахир болалик – ишонч ва орзумидлар даври. Ҳаётнинг ўзи мўъжиза эмасми? Қўйинг, у “ёлғондакам Қорбобо”ни кутсин, (у айтгани учун бўлса ҳам) яхшироқ бўлишга ҳаракат қилсин. Дарсини қилишга, хулқатворини тузатишга, катталарга қулоқ солишга, кичикларга меҳрибон бўлишга интилсин. Чунки бола учун Қорбобо шунчаки образ эмас, у яхшилик рамзидир.

Қўйинг, совға кутиб, ўн иккига яқин йўлга тикилсин. Қувончдан юраги ҳақирсин. Ахир тақвим шундоқ ҳам “Байрамдан бошқа кунлар”га тўла. Унинг байрамлари биттага бўлса ҳам кўпайсин. Табрик баҳона бетоб қўшни отахону онахонларнинг эшигини қоқсин, узоқ қариндошларнинг ҳолидан хабар олсин. Бир дастурхон атрафиде йиғилган оила, қувончдан ёниб турган кўзлар – жамиятни бирлаштирадиган энг буюк манзара эмасми?

Хуллас, болаларга серзавқ болалиқни қайтариб беринг! Қалбларига совуқчилик эмас, нур сочинг. Уларга бир олам орзу, мўъжизавий кеча, қувончли умрни бахшида этинг! Чунки бахтли болалик бахтли келажак учун жуда муҳим!

Отабек РАҲИМ
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

АЛП ЭР ТЎНГАНИНГ “ТЎНГА”СИ НИМА?



Афросиёб Алп Эр Тўнга деб аталишини биласиз. У туркий халқларнинг қадимий қахрамони. Минг йиллар давомида шон-шўҳрат унинг изидан юради. Хўш, бу буюк қаҳрамоннинг номидаги “тўнга” сўзи қандай маънони англатади?

Маҳмуд Қошғарий Девонининг 3-томида шундай изоҳ борки, бизга Алп Эр Тўнга номининг маъноси ҳақида етарлича маълумот беради:

“Тоңа – йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг қушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз кўпинча одамларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи тоңахон, тоңа тўғин ва шу кабилар. Туркларнинг улғу хони Афросиёбни Тоңа алп эр деб атади. Йўлбарс каби кучли, баҳодир одам демақдир”.

Эшқобил ШУКУР

МУХАММАД РИЗО ОГАҲИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТ
СОВРИНДОРЛАРИ РЎЙХАТИ БИЛАН ТАНИШИНГ:

I. Ўзбек адабиётидан хоржий тилларга таржима

Саид Маҳмуд Саид Мубашир (Саудия Арабистони) – Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарини араб тилига таржима қилгани учун;

Михаил Синельников бошчилигидаги гуруҳ (Россия) – 3 жилдлик “Антология узбекской поэзии” таржимаси учун;

Шаменаз Бано (Ҳиндистон) – Анвар Обиджоннинг “Мешповон” асарини ҳинд тилига ўғиргани учун;

II. Жаҳон адабиётидан ўзбек тилига таржима

Иброҳим Ғафуров – Федор Достоевский, “Ака-ука Карамазовлар” (русчадан);

Абдулла Шер – Анна Ахматова, “Оқ тун” (русчадан);

Тоҳир Қаҳҳор – Халил Ризо шеърлари (озарбайжончадан);

Нодирабегим Иброҳимова – Роалд Дал, “Баҳайбат ва меҳрибон дев” (инглизчадан);

III. Рағбатлантирувчи мукофотлар

Вафо Файзуллоҳ – “Бадиий таржима ривожига қўшган ҳиссаси учун”;

Вали Саваш Йелок (Туркия) – “Ўзбек адабиётини хоризда фаол тарғиб қилгани учун”;

Саиджалол Саидмуродов – “Умидли таржимон” сифатида эътироф этилди.

Биз барча ижодкорларни улғу бобомиз номи билан аталган мукофот билан му-боракбод этамиз!

“Jadid” газетаси жамоаси

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Отабек Бакиров

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди, ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 731

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 101

Лотин ёзувида – 11 630

Медиа кузатувичилар – 74 732

Буюртма: Г – 1239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgazetasi@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz